Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№42 (296) 2002-yil 23-oktabr

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Таҳриф

ТОШКЕНТДАГИ УЧРАШУВЛАР

Бош котибнинг юртимизга илк сафари

БМТ гарчи 50 йилдан зиёдроқ муддатдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, Собиқ совет тузуми таркибида Ўзбекис-

тон ССР деган давлат 70 йилга яқин мавжуд эса-да, лекин бу нуфузли халқаро ташкилотнинг раҳбари бирор марта юртимизга ташриф буюрмаган эди. Шарҳловчиларимизнинг Кофи Аннаннинг мамлакатимизга бу ташрифи тарихий воқеа бўлиб қолиши ҳақидаги мулоҳазалари ана шу жиҳатдан диққатга моликдир.

БМТ Бош котибининг юртимизга ташрифи тасодифийликдан мутлақо йироқда туради. Биринчидан, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кўп масалаларда асосий ўрин тутади. Бош котибнинг Марказий Осиё мамлакатларига сафарининг Тошкентдан бошланиши ҳам бежиз эмас. Яна бир сабаб, айниқса, Марказий Осиё минтақасида БМТга Ўзбекистончалик турли таклифлар ва ташаббуслар билан мурожаат қилган мамлакат топилмаса керак. Қолаверса, Тожикистон, Орол ва Афғонистон билан боғлиқ таклиф ва ташаббусларнинг аксарияти гарчи ўша пайтнинг ўзидаёқ инобатга олиниб, тезкорлик билан чора-тадбирлар кўрилмаган бўлса-да, кейинчалик рўй берган оқибат ва натижалар Ўзбекистон томонининг ҳақлигини намойиш қилди. Устига устак БМТни ислоҳ қилиш ҳақидаги ташаббус ҳам унга аъзо бўлган мамлакатларнинг эътиборидан четда қолмади. Ўзбекистон томони БМТ йиғинида сўз олар экан, шунчаки қатнашгани ёки сўзлагани йўқ. Ва у ҳеч қачон фақат ўзига боғлиқ бўлган гапни айтиш билангина чеклангани ҳам йўқ. Ана шу ва яна бошқа кўплаб омиллар БМТ Бош котибининг Марказий Осиё минтақасига келишга, унинг ўзи айтганидек, бу ердаги мамлакатлар раҳбарлари билан юзма-юз суҳбатлашиш, мавжуд вазият билан яқиндан танишиш ва уларнинг фикрларини ўрганишга сабаб бўлгани тайин.

Икки томон ҳам манфаатдор бўлади

Полша Республикаси Президенти Александр Квасневский 20 октябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келганида икки томон ҳам савдо-иқтисодий соҳадаги алоқалардан қониқмаслигини билдирди. Шу боис Президент Ислом Каримов ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 31,4 миллион АҚШ долларига етганига алоҳида урғу берди. Бу, албатта, етарли ишлаб чиқариш қувватига эга, бой заҳиралари мавжуд ҳамда катта имкониятлари бор бўлган ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг қониқмаслигига сабаб бўлиши табиий.

Полша томони Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, алоқалар кўламини янада кенгайтириш ниятида эканини яшириб ўтирмади. Бундай манфаатли ҳамкорликни ўз навбатида Ўзбекистон томонининг ҳам қўллаб-қувватлашини англаш қийин эмас. Шу боис учрашувлар кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди. Бунинг учун таъкидланганидек икки мамлакат ишбилармонлари биринчи навбатда ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйишлари лозим. Полша томони аграр, энергетика, йўл ва қўприклар қурилиши, транспорт ва коммуникация, сайёҳлик борасида катта тажрибага эга бўлса, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яхши шароит яратилган, катта ер ости бойликлари ва хомашё ресурслари мавжуд. Ана шунинг учун ҳам Прези-

дент Ислом Каримов Полша сармоядорларини иқтисодий ислоҳотлар жараёнига фаолроқ қўшилишга даъват қилди. Шунингдек ўзаро музокараларда ҳарбий-техникавий, маданий, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликларни ҳам кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув сўнгида икки давлат раҳбарларининг қўшма коммюникеси имзоланди. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида битимлар имзоланди.

Полша Президенти учрашув ва музокаралардан ташқари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Мухбиримиз

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА САДОҚАТИ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Доимий Кенгашида таъкидланди

"Вазиятни билиш ва ўзини-ўзи бошқариш учун фуқароларни ахборотлар билан таъминлашда журналистлар амалга ошираётган хизмат ниҳоятда муҳимдир," деди АҚШнинг ЕХҲТдаги доимий вакили, элчи Стивен Миникес ушбу ташкилотнинг Доимий Кенгашида.

У ЕХҲТга аъзо мамлакатлардаги вазиятга баҳо берар экан, минтақада ташвишли жараёнлар билан, ижобий ўзгаришлар ҳам кечаётганига эътибор қаратди. Хусусан, Марказий Осиё ОАВ вакиллари иштирокида яқинда Тошкентда бўлиб ўтган конференцияни ижобий факт сифатида эътироф этди.

"Юздан зиёд журналистнинг фақат фикр билдириш эркинлигинигина эмас, балки бирлашиш эркини бемалол амалга оширгани Ўзбекистон ҳукуматининг демократик тамойилларга садоқатини кўрсатади"-, деди элчи.

С.Миникес Озарбойжон ҳукуматининг журналистларни ахборот манбаини ошкор қилишга мажбур этиб келган "Давлат сири тўғрисидаги" қонуннинг 10-моддасини бекор қилишга ваъда берганини ижобий баҳолаган бўлса, Туркманистонда фикр билдириш эркинлиги бутунлай йўқлигидан ташвиш билдирди. Шунингдек, Қозоғистонда мустақил ОАВга ҳужум кампаниялари кучаяётганидан хавотирда эканини айтди.

АҚШ элчихонаси ахборот ва маданият бўлими тарқатган хабарномада, шунингдек, элчининг юқорида тилга олинган конференцияда қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва коррупцияга қарши кураш ҳақидаги Тошкент декларацияси ажойиб ҳужжат"лигини таъкидлагани, у "харажатлар қанча бўлишидан қатъий назар ўз вазифаларини адо этишида журналистларни доимий қўллаб-қувватлашни" ёқлаб фикр билдиргани қайд этилади.

Хушхабар

FREEDOM HOUSE – ОЗОДЛИК УЙИ



Тошкентда Freedom House нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси очилди.

Бутун жаҳонда озодликни, мустақилликни ва демократияни қўллаб-қувватлаб келаётган ушбу ташкилот АҚШдаги энг кекса ҳуқуқни ҳимоя қилиш муассасаси ҳисобланади. У 1941 йилда Элеонора Рузвельт ва Уэндэлл Уиллки томонидан барпо этилган эди.

Freedom House Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотларига кўмаклашиш учун учта заҳира ва ахборот маркази очишни режалаштирган. Бу марказлар ташриф буюрувчиларга компьютер, интернет, факс ва телефон алоқаси каби хизматларни тақдим этади. Бу ерда, шунингдек, истовчилар ҳуқуқий маслаҳатлар ҳам олишлари мумкин бўлади. У турли ўқув курслари ташкил этиш, тажриба ўрганиш учун ўзаро делегациялар алмашинувига кўмаклашишни ҳам кўзда тутмоқда.

Ташкилот ваколатхонаси очилиш маросимида АҚШ, Буюк Британия, Германиянинг мамлакатимиздаги элчилари Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида зиммага олган халқаро мажбуриятларини қандай бажараётгани, мавжуд муаммолар, бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикрлар билдирдилар.

Юртимизда Freedom House ваколатхонасининг очилиши Ўзбекистон демократия қадриятлари қарор топиши учун дадил одимлар қўяётганини ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликка тайёр эканини кўрсатади.

А.РАҲИМ ўгли.

Тақдимот

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА

Кеча Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетида ўқув телерадиостудияси, ахборот-ресурс маркази, минитипография ва бир гуруҳ олимлар томонидан чоп этилган ўқув адабиётларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, университет ректори академик Т. Долимов журналистика факультети декани Қ.Ирназаров СОРОС фондининг амалий ёрдамлари учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Таъкидланишича, ушбу рақамли телестудия ва ризограф СОРОС фондининг факультет учун 2001 йилда ажратган гранти ҳисобига, яна бир ризограф, радиостудия ва ахборот-ресурс маркази Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги "Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Замонавий рақамли телерадиокомплекс ва Интернет тармоғига уланган компьютер тизими ахборот глобаллашуви жараёнида юқори сифатли ахборот технологиялари билан ишлай оладиган, бугунги кун талабларига хос ва мос бўлган журналист кадрларни тайёрлашга мўлжалланган. Мазкур технологияларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичида кўзда тутилганидек, оммавий ахборот воситаларига малакали мутахассислар тайёрлашни кучайтиради. Эндиликда бу ерда амалиётчи журналистлар учун тренинг семинарлар ўтказиш, талабаларнинг шаҳар газетаси, шу билан бирга, телерадиоканаллар учун ижодий материаллар тайёрлаш имкониятининг мавжудлиги кишини хурсанд қилади.

П. ДАВЛАТ

Шавкат ЗУФАРОВ олган суратлар.

МММда

КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида таниқли журналист, МММ Самарқанд вилоят бўлими раиси Т.Раҳматуллаевнинг "Эркин фикр парвози", "Матбуот ва демократия" китобларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

"Эркин фикр парвози"да муаллифнинг "Ҳуррият", "Моҳият", "Фидокор", "Самарқанд" газеталарида кейинги йилларда чоп этилган долзарб мавзулардаги мақолалари жамланган. Китобга сўзбоши ёзган Педагогика фанлари доктори Юсуф Абдуллаев ўтмиш ва уни ўрганиш, демократик жамиятда сайловнинг ўрни, маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш каби кўплаб мавзуларни қаламга олган журналист ўз фуқаролик позициясини дадил ва маҳорат билан баён қилганини таъкидлайди.

"Матбуот ва демократия" рисоласи эса асосан оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократиялаштириш борасида тутган ўрни, мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш юзасидан муаллиф мулоҳазаларидан иборат.

Ушбу икки рисола Германиянинг Конрад Адэнауэр жамғармаси кўмагида дунё юзини кўрди. Шу боис тақдимот маросимида журналистлар, жамоатчилик вакиллари, "Интерньюс-Ўзбекистон", Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази билан бирга К.Аденауэр жамғармаси раҳбарлари ҳам иштирок этдилар, янги нашрлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Э, қойил!

ИЗЛАГАН...

Замонасозлик "тўртинчи ҳокимият " намоёндалари фаолиятида ҳам кузатилмоқда — баъзи уддабурон мухбирлар маъсул-маъсул инсонлардан пора ундиришга ҳаракат қилмоқдалар ва тузоққа тушмоқдалар. Таъмагирлик — шайтоннинг иши, таҳдидлар билан одамзод бу қусурдан қутилиши жуда қийин бўлган бир муаммодир. Чунки, истайсизми-йўқми, барибир... қовун-қовундан ранг олар экан-да! Амалдаги барча қонунлар бирваракайига ишга тушса... азиз муштарийларимиз зерикарли бўлса-да барибир бугун эҳтиёж баланд бўлиб турган мақолаларни ўқий олмай қоладилар. Чунки, журналист дегани қўшма корхона сон-саноқсиз ишлаб чиқариши мумкин бўлган матоҳ эмас. Одамзотга маъқул бўладиган, айтайлик, бир мақола ёзиш ҳамманинг қўлидан келадиган осонгина иш эмас, яъни журналистлик сақичфурушликдан анча фарқ қилади. Башарти худди ҳамсуҳбатлари сингари ҳурматли мухбирларимиз ҳам ўзларини таъмагирликдан тия олмас эканлар — уларга қийин бўлади: чунки мушук ҳам текинга миёвламайди.

Тўғри, журналист фаолиятини кафолатлайдиган қонунлар бизда ишлаб турибди. Аммо шундай мукаммал қонунлар ҳам барака топкур мухбирларни таъмагирлик ортидаги муқаррар хатарлардан муҳофаза қилолмайди.

Аммо, таъкидланганидек, таъмагирликнинг орқасидан мухбирлар «тўр»га ўтиб кетаверса, газетани ким чиқаради!! Таъмагирга қўйилган тузоқ эса кўзга кўринмайди. Вазият, аҳвол шунга бориб етган экан уларни қандай асрамоқ керак?

Яқинда Сурхондарё вилоят телевидениеси шу муаммога дахлдор мана бундай мазмундаги эълонни элга маълум қилди: агар мухбирларда таъмагирлик ҳолатлари пайдо бўлса, зудлик билан бизга — мана бу телефонга қўнғироқ қилинг. Ҳақиқат бор экан-ку , дедим ичимда ва эълон қилинган рақамни тердим. Худди кутганимдек менга вилоят ҳокимлигининг матбуот котиби, талантли тележурналист Рамазон Ашуров "Лаббай!" деб жавоб берди. Табиийки, кўрсатилган ғамҳўрлик учун ўзим ва бир гуруҳ журналистлар номидан ташаккур билдирдим — қўлимиздан нима келар эди?

Турган гапки, бу тадбирнинг самара ва натижаларини сўрашга жўрат этдим — бир ҳафтада тўрт нафар мухбирнинг таъмагирлик йўлига кирганлиги қўнғироқлардан маълум бўлипти. Рамазон Ашуровнинг одоб юзасидан тўғри жавоб бермаслигини билсамда, ҳали мен ҳақимда қўнғироқ бўлмадими дедим: бўлмапти. Бўп қолар, дедим — қулишдик.

Чунки мухбирликни бўйнимга олганимга йигирма етти йилдан ошди — номим тушмаган биронта қора рўйхат йўқ! Лекин, негадир ҳеч судга беришмайди: балога қолган телефон, фақат қўнғироқ қилишади.

Шундоқ ҳам маълум бўлганлиги учун бирон мухбирнинг айтайликки, менинг таъмагирлик билан пора сўраётганлигим (пора сўралмайди, таклиф қилинади) ҳақида қўнғироқ бўлгандан сўнг қандай тадбирлар белгиланиб, нечук чоралар кўрилади, деб сўраб ўтирмадим.

«Демак, бундан бу ёққа кескинроқ таҳлилий (танқидий эмас) мақола ёзмоқ учун ўша жойга бормаслик керак. Ахборотлар эса қонунда ҳам таъкидланганидек ўзаро келишилган ҳолда қўлга киритилади. Мақола газетага чиққандан сўнг бошқа идоралар сингари таъмагирлик қилганлигим ҳақида қўнғироқ бўлади. Ўшанда Рамазон ака айтадилар: нега вақтида бизни хабардор қилмадингиз, нима телевизорда эълонни кўрмагандингизми, қачонгача ғафлат босиб юрасиз. «Бирон марта идорага бормаган, ҳамма ишни кўчада пишириб кетган,» дейди... жабрдийда. Демак, кўчадаги одамларингиз ёмон ишлаяпти, деб койинадилар Рамазон ака!» Шу манзарани тасаввур қилиб кулдим... ичимда: қаранг мактабда ўқиган бир ғазалимизда айтилганидек, бечора чора истар экан-да... барибир! Қолаверса, бир қаҳрамоним айтган, бу дунёда тўғрилаб бўлмайдиган иш йўқ деб. Қаранг, бу ибора мухбирликка ҳам мос келар экан.

Т. РАЗЗОҚ.

УШБУ СОНДА:

Савод надур, «СИРДАРЁ»?! БОШЛАНҒИЧ МАБЛАҒ тадбиркор учун асосий ўрин тутади. Лекин... 2

СИЗ ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ? «Ёзолмайди, ёзганда ҳам чиқаришмайди!» 3

РАМ СОҲИБДАН ҲАММАГА САЛОМ 4

Обуна — 2003

«ҲУРРИЯТ» абадий бўлсин

Шубҳа йўқки, **Халқ сўзи** кўпгина мамлакатларда юксак баҳоланган. Бугунги кунга келиб эса, **Миллий тикланиш** сари дадил одимлаётган, **Адолат**ни бош **Мезон** деб билган **Ўзбекистон овози**ни бутун дунё эшитмоқда. **Туркистон** дея аталмиш бу она замин осмонида порлоқ кунлар **Даракчи**си ҳисобланган **Хумо** куши чарх уради. Бу юртда **Нуроний** отахонлардан тортиб, кўзлари **Тонг юлдузи** каби чарақлаб турган болакайларгача эркин нафас олади. Бу борада юрт ишқи қалбига **Ҳамроҳ** бўлган, **Оила ва жамият**ни ажралмас бирлик сифатида қадрлаётган, **Заковат**ли, **Маърифат**парвар Юртбошимизнинг **Фидокор**она хизматлари йилларга татигулик.

Қишлоқ ҳаёти, **Маҳалла**ларимиз гуллаб-яшнаши учун енг шимарган ҳар бир фуқаро, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш мақсадида **Постда** қуролини маҳкам тутган ҳар бир аскар бугун баралла айтиши мумкин: Ўзбекистон-келажаги чиндан-да буюк давлат.

Юксакка бўй чўзган **Обида**ларимиз кўҳна мозийдан **Садо** бериб турибди. **Ўзбекистон футболи,** ўзбек курашы дунё эътиборида. Шоири **Муҳаббат манзили**дан, **Ёзувчи**си, **Аёл қалби Тилсим**ларидан сўйлаганда кўнгил фахр-ифтихорга тўлади. Ғаразли мақсадлардан доимо **Огоҳ** бўлиб, гўзал диёримиз тинчлигини кўз қорачиғидай асраётган алпқомат йигитларимиз-у, оқила **Гулчеҳралари**миз, хуллас, қалбига **Диёнат** жо бўлган Ватандошларимиз бу эзгу амаллар **Моҳият**ида **Ҳуррият** ётганлигини тобора чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Зеро, Ҳуррият бугун менинг, сизнинг, ҳаммамизнинг хонадонимизда. Олий неъмат саналмиш ана шу Ҳуррият абадий бўлсин!

Давлатжон ПОЛВОНОВ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! "ҲУРРИЯТ"ГА 2003 ЙИЛ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ БОШЛАНДИ! СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Ҳасрат

ТЎЛОВЛАР ХИЖОЛАТ ҚИЛМОҚДА

Ҳурматли таҳририят! Менинг уч нафар фазандим Самарқанд шаҳар Боғишамол туманига қарашли 30-мактабда таълим олади. Ўқув қуроллари етишмаслиги туфайли ўзимиз хижолатдамиз.

Кейинги пайтларда 30-мактаб маъмурияти ота-оналарга турли "солиқ" лар билан жабр қилмоқда. Таъмирлаш солиғи, парда, гул, супурги, макулатура "солиқ "лари, фаррош учун пул, маданий тадбирлар, "цирк ва театр" пуллари шулар жумласидан. Мен ва турмуш ўртоғим қўриш бўйича 1- гуруҳ ногиронимиз, қарамоғимизда тўрт нафар фарзандимиз бор. Олаётган ногиронлик нафақамиз билан аранг рўзғор тебратмоқдамиз. Биз юқоридаги мактаб "солиқ" ларидан жуда тўйдик.

Мактаб маъмурияти ота-оналарнинг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, пул йиғса яхши бўлар эди. Бироқ ҳурматли муаллимларимиз болаларимизни бошқа минглаб ўқувчилар каби эркин, тўлақонли ҳар қандай сиқувлардан холи билим олишига мактаб маъмурияти шароит яратиб беришида кўмаклашсангиз...

Раъно Жомуродова

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Фаолият

ҚОНУНДАН ТАШҚАРИ МАНФААТ

жиноятга етаклайди, дейди адлия кичик маслаҳатчиси Илҳом НЕЪМАТОВ

Қашқадарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (СОЖҚКБ) солиқлар ва мажбурий тўловлардан қасддан бўйин товлаш, сохта тадбиркорлик, иқтисодий ва солиқ соҳасидаги бошқа қонунбузарликларни аниқлаш, назорат қилиш ва чоралар кўришда талай ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Қуйида СОЖҚК бошқармаси бошлиғи Илҳом НЕЪМАТОВ билан мухбиримиз суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Солиқни ўз вақтида тўлаш, қонуний тўловларни ўз вақтида амалга ошириш давлатимиз қудратини юксалтириш, ижтимоий сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Бу борада вазиятни назорат қилиш, тафтиш ва текширишлар қандай натижалар бермоқда?

— Дарҳақиқат, истиқлол яратган имконият туфайли ишбилармонлик, тадбиркорлик кенг қулоч ёйди. Бу юртимиз иқтисодий юксалишида катта омил бўлмоқда. Аммо, гоҳида фақат ўз манфаатини ўйлаб қонунни четлаб ўтиш, ғирромликни касб қилиб олган сохта тадбиркорлар ҳам учраяпти. Жорий йил тўққиз ойи якунларига назар ташласак, 188 ҳолат бўйича жиноят иши, 1036 ҳолат бўйича турли маъмурий чоралар қўлланди.

Шу даврдаги текширишлар ва тафтишлар натижасида давлат бюджетига 1 миллиард 627 миллион сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ундирилди. Бундан ташқари 1 миллиард 106 миллион 400 минг сўмлик моддий зарар миқдори аниқланиб, улардан 96 фоизи ундириб олинди.

— Тезкор тадбирлар натижасида қандай ноқонуний ҳолатлар олди олинди?

— Вилоят прокуратураси раҳбарлигида Бошқарма ходимлари ўтказган тезкор тадбирлар 59 ҳолатда ноқонуний фаолият юритаётган яширин цехларни аниқлаш имконини берди. Чироқчи туманида яшовчи А. Умаров қуриб олган чигитни қайта ишлаш, Косонлик М. Набиевнинг қўлбола чигитдан ёғ ишлаб чиқариш цехлари шулар жумласидандир. Бундай "чаққон"лар солиқдан қочаман, деб оқибатда 4 миллион 293 минг сўмдан зиёд товар-моддий бойликларидан ажралиб, чув тушишди.

Яна бир йўналиш давлатга етказилаётган зарарлар олдини олишга қаратилган. Мана шу борадаги тезкор тадбирлар натижасида Қаршидаги Саноатқурилиш банки Темирйўл бўлими, Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси, Қарши Универсал улгуржи савдо ОҲЖ мансабдор шахслари якка тартибдаги тадбиркор А.Ҳамроқулов ўртасидаги трансформатор ва шакар савдоси юзасидан ўзаро жиноий тил бириктириши оқибатида давлатга 23 миллион сўмлик зарар етгани аниқланди.

Бундан ташқари, У.Юсупов туман Махтумқули ширкат хўжалиги марказий омбор мудири Т.Баҳовиддинов қиймати 5 миллион 366, 7 минг сўм бўлган 41 тоннадан зиёд ғаллани, Яккабоғдаги К.Мойлиев номидаги ширкат хўжалиги омбор мудири И.Бердиев чигит устига ёпишга мўжалланган 4 миллион 925 минг сўмлик полиэтилен плёнкани шахсий манфаат йўлида талон-тарож этилишига йўл қўйгани текширишларда маълум бўлди. Уларга нисбатан тегишли тартибда жиноят ишлари қўзғатилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори, Бош Прокурорнинг қарор ижросини таъминлаш юзасидан берган кўрсатмасига мувофиқ олиб борилган ишлар натижасида 20 та жиноий, 233 та маъмурий ишлар қўзғатилди. 4380 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини контрабанда йўли билан олиб киришга уринган И.Юлдашев, А.Раҳматов, Д.Курбоновлар иши, Россиядан 11 миллион 200 минг сўмдан зиёд нархдаги тахтани ноқонуний сотишга уринган қаршилик Х.Раупов иши шулар жумласидандир.

Булар қонуний тўловларни тўламасдан кўпроқ фойда кўриш истагида қилинган. Кўриб турибсизки, оқибат бунинг акси бўлиб чиқди.

— Айрим тадбиркорлар кўпроқ манфаат кўриш илинжида пул тушумларини касса аппаратидан ўтказмасликни афзал кўришади. Шу каби жиноятларни амалга оширганларга қандай чоралар кўрилди?

— Бу бугунги кундаги энг долзарб масалалар сирасига киради. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил декабрида, шунингдек, 2001 йил июн ойида махсус қарорлар қабул қилган. Ўтказилган текшириш натижасида 177 хўжалик субъектида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уларнинг 80 тасида назорат-касса аппаратлари ўрнатилмагани, 66 ҳолат бўйича касса аппаратидан ўтказилмасдан 872 миллион сўм савдо қилингани маълум бўлди. Шаҳрисабз туманида якка тартибдаги тадбиркор А.Раҳмонов 20 миллион, "Шарбат" хусусий фирмаси раҳбари Б.Шодиев 37 миллион сўмдан зиёд пулларни касса аппаратидан ўтказмай, савдо қоидаларини бузгани учун жиноят ишлари қўзғатилди.

Президентимиз 1997 йилда тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаси жорий этиш тўғрисида фармон қабул қилган эди. Ўтган 9 ой мобайнида бу борада 106 та ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Бу ҳолатлар бўйича 14 та жиноий иш ва 92 та маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

— Ноқонуний валюта операцияларини амалга ошириш ҳоллари ҳам учрамоқдами?

— Ҳа, ўтган муддат ичида бу борада 4 та қонунбузарлик аниқланди. Бир ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлса, қолган 3 ҳолатда маъмурий чора кўриш билан чекланилди.

— Қонунбузарликларнинг олдини олиш учун нафақат жазолаш, балки тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам катта самаралар бериши аниқ. Хўш, бошқарма бу борада қандай ишлар қилмоқда?

— Ҳа, кўп ҳолларда қонунбузарлик ўз ҳуқуқини, қонун меъёрларини билмаслик оқибатида содир этилади. Шу боис 9 ой давомида жойларда 1092 маъруза ва суҳбатлар уюштирилди. Матбуотда, телевидение ва радиода 220 дан зиёд чиқишлар қилинди.

Рости, ташвиқот ва тарғибот, тушунтириш ишлари натижасида 315 миллион 520 минг 400 сўмлик қўшимча маблағлар солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ихтиёрий равишда тўланиши таъминлади.

Бизнинг фаолиятимиз бу ижобий тенденцияни янада кучайтириш, солиқ тўловчилар интизомини мустаҳкамлаш, бюджетимизни қонуний молиявий манбаалар билан таъминлашда кўмаклашишдан иборатдир.

Озод АЛИҚУЛОВ суҳбатлашди.

Иқтисод

БОШЛАНҒИЧ МАБЛАҒ

тадбиркор учун асқотади. Лекин...

Кичик бизнеснинг нозик жойи – бу бошланғич капиталдир. Бирор бир ишни бошлаш, яъни фирма ташкил қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун маълум бир миқдорда маблағ керак бўлади. Лекин ана шу маблағ, яъни бошланғич капитал унчалик катта бўлмаса ҳам, топиш осон кечмайди.

Шу боис давлат томонидан ташкил қилинган "Бизнес фонд" хусусийлаштиришдан келган маблағларни кичик ва ўрта бизнесга йўналтира бошлади. Лекин бу маблағлар барча тадбиркорларни тўлалигича таъминлай олмасди. Тижорат банклари бу фаолият билан шуғулланишга қизиқмасликларидан ташқари, уларнинг етарли ресурслари ҳам йўқ эди. Бу эса банклар ва фондлар томонидан кредит ажратишда ўз мансабини суиистеъмол қилиш ва коррупциянинг пайдо бўлишига замин яратарди. Ўз ишини бошламоқчи бўлган кўплаб кишилар узоқ вақт ҳужжат йиғиш билан овора бўлиб, зарур бўлган молиявий ресурсни ололмаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Бошқа тарафдан эса кредитларни қайтармаслик ёки уларни ўз шахсий мақсадлари учун сарфлаш ҳолатлари кўпая бошлади. Бундан ташқари яхши тузилмаган бизнес режа асосида кредит олган тадбиркорлар, кредитни қайтара олмасдан банкротликка учрадилар.

Ана шундай мураккаб вазият мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни кредитлашнинг қонуний тизими вужудга кела бошлади. Тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес вакилларининг кредит олишларида тижорат банклари орқали бериладиган микрокредитлар катта роль ўйнаши мумкин эди. Микрокредитларни банк, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан ва тижорат банкларида очилаётган чет-эл кредит линиялари маблағларидан берилиши мақсадга мувофиқ топилди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш учун 1999 йилнинг охири 2000 йилнинг бошларида тижорат банкларида махсус имтиёзли кредит фонди ташкил қилинди; солиқ бўйича қатор имтиёзлар берилди. Ушбу фонд ва бюджетдан ташқари фондларнинг кредитлари имтиёзли фоизларда бериляпти. Унинг фоиз миқдори Марказий банк ҳисоб ставкасидан 2 баробар камдир.

Лекин шунинг баробарида кичик ва ўрта бизнес вакиллари қатор муаммоларга ҳам рўбарў келишаяпти. Булар, асосан, нималарда намоён бўлаяпти?

Биринчидан, банк учун хатар ҳамон юқори даражада сақланиб қолаяпти. Кредитларни суғурталанмаганлиги фоиз ставкасига таъсир қилмоқда.

Иккинчидан, кафолат ва гаров мажбуриятларини олиш осон кечмаяпти. Устига устак кичик ва ўрта бизнес раҳбарлари малакасининг етишмаслиги кредитларни мақсадли ишлатолмаслик ҳолатини туғдираяпти. Бундан ташқари кредит олиш учун тузилган бизнес режа ва лойиҳаларнинг ҳаммасини ҳам асосли ва сифатли, деб бўлмайди. Агар микрокредитнинг нақд қисми чекланмаса, савдо-сотиқ фаолияти учун бериладиган микрокредитлар таъқиқланмаса янада фойдали бўлар эди. Бунинг учун мақсадли муқобил институтлар ва микрокредитлашнинг методологиясини ривожлантириш жуда ҳам зарур. Ушбу фаолият бўйича баъзи бир ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти) етарлича малака бўлиб, улар лойиҳаларни халқаро ташкилотларнинг маблағлари орқали амалга оширмоқдалар. Ушбу амалиёт кичик ва ўрта бизнеснинг микрокредитлашни банкдан ташқари, яъни нодавлат ташкилотлар орқали амалга оширишга олиб келади.

Отабек Мамажонов, Омонуллахўжа Саъдуллахўжаев, Тошкент Молия институти магистрантлари.

Таҳлил

Савод надур, «СИРДАРЁ»?!

"Ҳуррият"нинг азиз мухлиси, ишонинг, истеҳзо-ю киноя нафаси уфуриб турган бу сўроқ гапни мақолага сарлавҳа қилиш ниятим йўқ эди. Не қилайки, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида эл-улусга тақдим этилаётган "Сирдарё" газетаси таҳламини варақлар эканман бу савол дақиқа сайин миямга урилиб турди, алал-оқибат қўлим ҳам сарлавҳа қилиб ёзиб қўйди...

Келинг, шу газетанинг, ҳеч бўлмаса, битта сонини биргаликда таҳлил қилиб чиқайлик, менинг не ҳолга тушганимни ана шунда ҳис этасиз. Нима, азбаройи холислик, "подшивка"нинг ўртароғидан олинг, дейсизми? Майли, мана, шу йил 25 май сони, розимисиз? Унда бошладик: мен ўқиб, таҳлил қиламан, Сиз эшитиб турасиз, хато кетсам, тўғрилайсиз... Ҳаммасини ўқиб ўтирманг, дейсизми? Майли, асосий хатоларини айтиб ўтаман, шунга чидаб берсангизам- катта гап.

Мана, "Деҳқон иродаси мустаҳкам" сарлавҳали мақола. Эшитинг:"1828 гектар майдонга экилган чигит қайта бузиб экилди". Нега пешанангиз тиришяпти, азизим, чигит қандай қилиб "қайта бузилиши"ни тушунмаяпсизми? Гапнинг рости, мен ҳам тушунмадим. Ҳамма жойда чигит экилган май-дон-ни бузишарди, Сирдарёда чигитнинг ўзини бузишаркан!

Энди мана бунисини эшитинг: "Ҳозир яна **233 гектар майдондаги** чигит қайта қадалмоқда". Эътибор беряпсизми, дўстим, 233 гектар майдонда чигит бор экан, ўша чигитларни териб олиб, қайтадан қадашибди! Газетанинг ёзгани рост бўлса, уларга қойил қолмай илож йўқ!

Аммо шу... газета анча ёлғончироқми, дейман-ов. Мана, қаранг: "Униб чиққан майдонларда механизаторлар..." Ўсимликларнинг, дарахтларнинг униб чиқишини ҳаммамиз биламиз. Аммо майдонларнинг униб чиқишига жинниям ишонмайди-да, дўстим!

Ақл бовар қилмайдиган бунақа ёлғонлар шу мақоланинг ўзидаёқ талайгина: "3980 гектар ердаги ғўзалар 3-4, 6018 гектар майдонда 1-2та чин барг чиқарди". Дўстим, сиз эътиборингизни услубий ғализликка эмас, гап замиридаги ёлғонга қаратинг: 3980 гектар ердаги милёнлаб туп ғўзалар ҳаммаси биргалашиб 3-4 та барг чиқаришини эшитса, машҳур лофчи Мюнҳаузеннинг ҳам оғзи очилиб қолар!..

Нима бўлди, дўстим, асабийлаша бошладингизми? Унда, майли, мазкур мақоладаги яна ўндан ортиқ хатони ташлаб ўтиб, иккинчи мақола таҳлилига кириша қоламан. Бу мақоланинг номи "Сув-зар, гавҳар...". Эшитинг:

"... Бунга "Пахтазор", Ж.Маманов номли **хўжаликлар** киради. **Жамоа** ҳудудида 28 та "шлюз" бўлиб 10 таси янгиланди".

Сирдарёлик журналистларнинг журъатига қаранг: биринчи гапда тилга олинган "Пахтазор" ва Ж. Маманов номли хўжаликларни иккинчи гапда бирлаштириб қўяқолишибди! Ажабо, хўжаликларни бўлиш ёки бирлаштириш қачондан буён журналистлар ҳукми остига ўтиб қолди?

"Хўжаликда 850 гектар пахта, 305 гектар буғдойзор бор". Сирдарёликларнинг "оригинал" иш тутишларига энди тан бердингизми: пахтани ҳамма ерда "тонна", "центнер", "килограмм" билан ўлчашса, бу ерда "гектар" билан ўлчашаркан!

Энди мана бу "кашфиёт"га эътибор беринг: "Туманимиз эскитдан ўзлаштирилган **тупроғи ўртача шўрланишга эга** бўлган зона ҳисобланади". Қаранг, ҳамма ерда тупроқ шўрланади, Сирдарё туманида эса шўрланишга эга бўларкан! Кейинги жумла ҳайрат-у таажжубингизни энг юқори нуқтага етказишига мен кафил: "Тупроқнинг таркиби иккиламчи шўрланишнинг сув танқислиги ва ҳар хил даврда ўзлаштирилганлигига кўра бир неча зонага бўлинади".

Тушунмадим, деяпсизми? Табиий ҳол! Мен сизга айтсам, дунёдаги энг зўр тилшунос олимлар билан энг зўр мелиоратор-у ирригаторлар жам бўлиб уннашганда ҳам бу жумланинг мағзини чақишолмайди. Ахир, айтинг, тупроқнинг таркиби ҳам зоналарга бўлинадими? Одатда тупроғи таркибига кўра экин майдонлари-ерлар зоналарга бўлинарди-ку!!! "...иккиламчи шўрланишнинг сув танқислиги..." Ё, қодир Эгам, "шўрланишнинг сув танқислиги"ни тушунтириб бера оладиган бирон банданг бормикин бу фоний дунёда?!

"Тупроқнинг таркиби... ҳар хил даврда ўзлаштирилганига кўра бир неча зонага бўлинади". Наҳот, тупроқнинг таркиби ўзлаштирилса?! Яна ҳар хил даврда-я?!

"Қамиш ўсиб, зах суви кўтарилиб унумдор ерларни ишдан чиқаради". Унумсиз ерларга-чи, дахл қилмайдими?!

Намунча уҳ тортиб қолдингиз, дўстим? Сиқилиб кетдингизми? Унда, майли, бу мақолани "чала" қолдириб, "Адолат опанинг ҳиссаси" деган хабарчага назар ташлайлик:

"Туманимиз пиллакорлари эришган меҳнат зафарида Охунбобоев ширкат хўжалиги пиллакорларининг ҳам ҳизматлари бор". Ҳой, "Сирдарё" журналистлари, Худо мағфират айлагур Охунбобоевга туҳмат қилманг: унинг ҳеч қандай хўжалиги йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ! Фақат унинг номидаги хўжаликлар бор, холос!

Иккинчидан, туман пиллакорлари зафарида фалон хўжалик пиллакорларининг ҳам ҳиссаси бор, деб таъкидлашингиз ғоят ғалат! Нима, улар етиштирган пиллаларини қўшни туман ҳисобига топширсинларми, бўлмаса?! Қисқаси, машинанинг юришида ҳайдовчининг ҳам ҳиссаси бор, дегандек гап бўлибди...

"Салима Зайнуллаева, Қундуз Эргашева, Оча Мирзаевалар оиласи...". Наҳот, бу уч опахон битта оилага бирлашиб яшашаётган бўлса?!

Асабийлашаяпсиз-а, азизим? Ишончим комилки, "Саводинг борми, "Сирдарё"?" деган савол Сизнинг ҳам миянгизга урила бошлади... Илтимос, сабр қилинг, қолган саҳифалардан ҳам мисол келтирай. Мана, қаранг, 2-бетда улкан бир "хушхабар" берилибди: "...Бахт шаҳар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг совғалари топширилди". Республикамиз миқёсида фаолият кўрсатувчи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ҳаммамиз биламиз. Аммо Бахт шаҳрида ҳам шундай ҳаракат тузилганидан бехабар эканмиз. Қисқаси, "Сирдарёнинг" гапи рост бўлса, мамлакатимизда иккита "Камолот" бор экан!

Лекин, менимча, "Сирдарё" ходимлари турли ташкилот-муассасалар сонини кўпайтиришга эмас, уларни бирлаштиришга ишқибоз эканлар. Масалан, "Нуфузли соврин ғолиблари" мақоласида аввал "Ватанпарвар"нинг икки жамоасини бирлаштирадилар: "Ватанпарвар" мудофаага кўмаклашувчи вилоят ҳамда туман ташкилоти..." Сўнг журъатлари ошиб кетиб мамлакатимиз вилоятларини ҳам "бирлаштириш"га киришадилар. Яна тўртта вилоятни битта қилиб денг: "Наманган, Андижон, Сирдарё, Самарқанд вилояти..."

Роса сиқилиб кетдингиз-а, дўстим? Келинг, унда кулгили мисоллардан ҳам битта келтирай:"...Салимжон Баҳодиров хотирасини ёд этиб дзю-до кураши мусобақаси бўлиб ўтди". Ҳа-а, кула бошладингиз, демак, тушундингиз: ҳеч замонда мусобақаям инсоннинг хотирасини ёд этадими?!

Сиз куляпсиз-у, дўстим, мен "Тафаккур" рукни остида берилган ҳикматларнинг жойлаштирилишига қараб аламимдан йиғлагудек бўлиб турибман. Пайғамбаримиз, икки олам сарвари Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак ҳадислари Амир Темур, Навоий ва ал-Бухорийнинг гаплари остига жойлаштирилибди, яъни ummat-тўрда, пайғамбар-пойгакда!

Лекин газета ходимларининг "топқирликлари"ни эътироф этишга тўғри келади. Маълумки, ҳозирги пайтда кўплаб газеталар турли хил жумбоқлар босишга берилиб кетишди. Жумбоқларга алоҳида "бурчаклар", саҳифалар ажратишмоқда. "Сирдарё" эса жумбоқларни мақолалар ичига сингдириб юбориш усулини кашф этди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи жумбоқ жумлаларни топиш мақсадида ҳиссиз, қуруқ, услубан ғализ гаплардан ташкил топган каттакатта мақолаларни ўқиб чиқади! Шундан кейингина қуйидаги каби жумбоқ жумлалар мағзини чақишга киришади: "Замонлар ўтиши билан жиноятчилик ҳам ўзининг қорнини тўйдириш учунгина жиноятга қўл урган инсон, бугунги кунда беҳисоб пайтларга эга бўлиш учун жиноятга қўл урмоқда". "Қишлоқ кўчаларида автоуловларда қадоқланмасдан сифатини белгиловчи ва йодланганлиги тўғрисидаги ҳужжатсиз ош тузини ҳарид қилмаслик..."

Газетанинг биргина мана шу 25 май сонида 136 та хато мавжуд! Шу ўринда тил-адабиёт ўқитувчиларидан сўрамоқчиман: мантиқий, услубий, имловий... қисқаси, ўзбек тилида учраши мумкин бўлган деярли барча турдаги хатоларни ўзида "акс эттира олган" "Сирдарё" газетасига неча баҳо қўйиш мумкин? Умуман, газета лойиқ балл борми, ўзи?!

Билсангиз керак, дўстим, "бадгумон бўлманг" деган мазмунда ҳадиси шариф мавжуд. Газетадаги хаталарни терга ботиб санарканман, мен ҳам хаёлимни яхши томонга бурдим: сирдарёлик журналистлар "бошқа жиҳатлардан барибир рекорд қўёлмаймиз, ҳеч бўлмаса, хато ўтказишда жаҳон рекордини ўрнатайлик, зора Гиннеснинг рекордлар китобига кириб қолсак", деган умидда газетанинг шу битта сонини серхато қилиб чиқаришган бўлса керак, деб ўйладим. Ва аниқ ҳис этдимку, "Сирдарё" рекордлар китобига албатта киражак, чунки бир сонининг ўзида юздан зиёд хато ўтказадиган газета ер юзида бошқа топилмаса керак! Қисқаси, Китоб ҳайъати аъзолари орасида биттагина бўлса ҳам ўзбек тилини биладиган инсон топилса, бас, "Сирдарё"нинг Рекордлар китобига киришига мен-кафил!

Хайрият, биз ҳам машҳур китобга кириб қолар эканмиз деб хушнуд бўлиб ўтиргандим, хаёлимга ташвишли ўй келди: у ердагилар газетанинг битта эмас, бир қанча сонини талаб қилишса-чи?! Жонҳолатда "Сирдарё"нинг яна бир неча сонини кўздан кечириб чиқдим ва кўнглим жойига тушди. Менинг хаёлимга келган ўй "Сирдарё" ходимларининг ҳам миясларига урилган, шекилли, бошқа сонларни юқорида келтирганларимиздан-да "зўрроқ" хатолар билан безашибди. Масалан: газетанинг шу йил 9 февраль сонида чоп этилган "Қариси бор уйнинг париси бор" мақоласини қисман таҳлил қилиб кўрайлик. Олдиндан айтиб қўяй: мақола 22 та гапдан иборат бўлиб, шу гапларнинг 4 таси тўғри, 18 таси хато! Ишонмасангиз, қуйидаги парчани ўқиб кўринг:

"Милиция таянч пунктлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан маҳалла, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан жамкорликдаги ишни талаб даражасида олиб бориш зарур.(?) Шу билан ҳуқуқбузарликнинг, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши туришда халқ оммаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.(?) Шундай экан ислоҳот бўлаётган вақтда бир жамоатчилик билан бирга бу йили қарияларимиздан ҳам (ажабо, қарияларимиз жамоатчиликдан ташқарида экан-лар-да!-М.Н.) **унча-мунча вояга етмаган ёшлар** (?) ўртасида ҳар хил ҳуқуқбузарликларни(**нг**) олдини олишда ёрдам беришларини **мурожаат сифатида**(?) сўраймиз, чунки боланинг **яхши ва ёмон бўлиб**(?) таълим-тарбия олиши уйдан бошланади. Уйда тўғри таълим тарбия берилса мактабдаги тарбия қўшимча бўлади. Сабаб ҳеч бир фарзанд ота-онасининг айтганидан четга чиқмайди деб ўйлаймиз. Шундай экан яъни (?) оилани (?) ва ўсаётган йигит-қизларни замон талаби даражасида тарбия бериш қарияларимизнинг насиҳати, тўғри сўзлашлари (!) таъсири бўлади **деб ўйлаймиз.(?) Шунинг учун** ҳам қариси бор уйда барака... қарияларга ҳурмат, ёшларга иззат бўлишини ким билмайди. **(Сиз ўйлаганингиз учун ҳамма биларканда, қойил! –М.Н.)** Лекин баъзи оилалар ва йигит-қизларимиз қарияларимизнинг насиҳат ва йўл-йўриқларига қулоқ солмагани учун ҳуқуқбузарлик содир этмоқдалар."

Бу парчадаги 8 та гапнинг нечтаси тўғри? Фақат биттаси, дейсизми? Офарин! Энди ишонгандирсиз менинг юқоридаги даъвомда жон борлигига?..

Энг қизиғи, ушбу мақола Одам отамиз яратилганидан буён бирон-бир қулоқ эшитмаган антиқа тилак билан якунланади: "Бизнинг тилагимиз ҳар бир уйда қария бўлсин ва шу билан (?) инсонга яхшилик келтирадиган пари бўлсин." Хўп, қариялар уйларидаги кексаларни тақсимлаш орқали ҳар бир уйни қария билан таъминлаш мумкиндир, балки, аммо парини қаердан оламиз?!

Энди мана бу гапга эътибор беринг: "Ҳаким Бойқуловнинг номини туманимизда кўпчилик яхши танийди, ҳурматлайди."(Шу сон.) Ўзиничи, ўзини танимайдими, ҳурматламайдими?!

"Эндиликда... касб танлаш хоналари талабалар учун хизмат қилмоқда." (Шу сон.) Олдин-чи, олдин чорвадорларга хизмат қилганмиди?!

"..."Боғоро" бўлимида ҳам фермерлар сафи кўпаймоқда." (10.08.02) Қизиқ, бугунги кунда улар неча саф бўлиб туришибдийкин-а?

"...туманда 167 та никоҳ қайд этилди ва 102 таси тиббий кўрикдан ўтказилди." (18.05.02.) Суюнчи беринг, келармидилар,-дедим..." (24.08.02.) Журъатингга тасанно, "Сирдарё", урушда партияга муносиблар эмас, номуносиблар жасорат кўрсатганини мана энди билиб олдик!

"У **чинакам қишлоқ хўжалиги**нинг билимдони эди." (Шу сон.) Қишлоқ хўжалигини иккига — чинакам ва ночинакамга бўлиб ташлаган шоввозларга яна бир карра офарин!

"1960 йилда у... **еттита қишлоқ хўжалиги**га, ободончиликка, дўст-биродарлар тўғрисида актуал мақолалар ёзди." (Шу сон) Эътибор беряпсизми, қишлоқ хўжалиги иккита эди, еттита бўлди! "Сирдарё" шу савияда чиқиб турса, ҳали...

Э, мана бу гап чатоқ бўпти-ку: ... Сайдахмат Арслонов... "Жумбоқ" рукнимиз билан берилаётган мақолалар тўхтаб қолаётганлигини айтди"(21.09.02.) Эвоҳ, вилоятлар-у ҳокимликларни бир-бирига қўшиб юбораётган, забардаст бир тилнинг додини бераётган шундай "зўр" журналистлар наҳот жумбоқ - топишмоқ билан мақоланинг фарқига боришмаса !

Аммо, сизга айтсам, сирдарёлик ҳамкасбларимизнинг тавозуларига ҳам беш кетдим-да! Қайнотасининг мушугини сизлаган келинчак ҳақидаги латифа эсингиздами? Гапиришда ана шу келинчакка ўхшаб кетишади улар! Мана исботи: "Туман хотин-қизлар қўмитаси... бадиий кечалар ўтказишмоқда". (23.02.02.)

"Корхона Республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигига ҳамда Сирдарё шаҳрининг 30 йиллиги тўйларини аҳолига хизмат маданиятини янада яхшилаш билан кутиб олмоқдалар". (28.07.01)

Лекин, бу нима бўпти, "Сирдарё" журналистлари бунданам "зўрроқ" гапларни топа оладилар. Масалан, "Форизм, фан-техника бобида Сирдарё аталмиш туманимиз Америка-ю Японияни ортда қолдириб кетибди: никоҳни ҳам тиббий кўрикдан ўтказа бошлабди!

Туманда мақолалардан ташқари журналистларнинг ўзларига ҳам сарлавҳа қўйила бошлабдики, фикримизча, бу янгилик аҳли жаҳонни лол айлагай: "Туманимиз газетасининг... 3-сонида мунозара учун мавзу рукни остида чоп этилган **"Инсоф" сарлавҳали журналист А.Бурлиев**нинг кишини ўйлантирадиган... мақоласини ўқиб..." (8.03.02.)

"Агар партияга номуносиб бўлмаса, Улуғ Ватан урушида қатнашиб, жасорат кўрсатиб фуржон ҳар куни 3-4 гектар майдонни кўнгилли культивация қилаётир" каби. Қаранг, оддий эмас, кўнгил-ли культивация!

"Улуғ ибодат йўлида" мақоласини ўқиб, "Сирдарё" журналистларининг жасоратларига яна бир карра тан бердим: шоввозлар ҳам араб тилини, ҳам Саудия Арабистони ҳудудини "ислоҳ" этишибди! Маълумки, араб тилида масдарлар (отлар) "ун" қўшимчаси билан тугалланади. Масалан, ибнун-ўғил. Шунингдек, араб тилида "ал" аниқлик артикли ҳам бўлиб, маълум шахс ва нарсалар номи олдида қўлланади. Масалан, ал-Хаттоб. Икки сўз қўшилган чоғда "нун" билан "лом" тушиб қолади ва "ибнул-Хаттоб" бирикмаси ҳосил бўлади. Бу "Хаттобнинг ўғли" деганидир. Газета "ибнун" сўзини қаратқич келишигида қўллайди: "ибнил-Хаттоб". Бу эса "Хаттобнинг ўғлининг" деганидир.

Газета, айниқса, Саудия Арабистони шаҳар ва тоғларини қайта номлашда жасорат кўрсатади. Масалан, Арофат тоғини Арафат деб атайди, мамлакат пойтахтига ар-Риёз деб ном беради, Мино тоғини "Минна"га айлантиради. (Дарвоқе, "минна" сўзи "биздан" деган маънони билдиради.)

Вилоятдаги ягона олий ўқув юртининг Сирдарё шаҳридан Гулистон шаҳрига кўчирилганига ва Гулистон Давлат университети деб атала бошлаганига бир неча йил бўлди. Лекин бу кўчиш "Сирдарё"га ёқмаган бўлса керак, уни қайсарлик билан "Сирдарё Давлат университети" деб аташда давом этмоқда. Бутун Ўзбекистон-бир томон, "Сирдарё" газетаси-бир томон!

Газета, шунингдек, русча сўзларни қўллашда ҳам "принципиаллик" кўрсатмоқда: совет, сорт, минут ва ҳ.к.

Айниқса, Бухоро, Сурхон... воҳаларининг газетанинг бир неча сонида ўжарлик билан водий деб эълон қилиниши бу "принципиаллик"нинг кульминацион нуқтасидир!

"Сирдарё" шу даражада "ботирлашиб" кетдики, оддий корхоналарга ҳукумат олдига масала қўйиш ҳуқуқини бера бошлади: "Корхонанинг 2001 йил иш режаларидан бири Сирдарё ва Бахт шаҳарларида муддати ўтган ва эскирган электр симларини ҳамда трансформатор-подстанцияларини алмаштиришни Вазирлар Маҳкамаси олдига масала қилиб қўйилганлиги бўлди." (13.01.01.) (Илтимос, услубий-грамматик хаталарга эътибор бериб чалғиманг, ахир, бу "Сирдарё" учун табиий ҳол-ку!)

Бунисиям ҳолва экан, газета янги-янги муассасалар ва мансаблар таъсис эта бошлади: "туман "Нуроний" жамғармаси", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати" (туманники! –М.Н.), "Тадбиркорбанк (бу ҳам туманники!-М.Н.) бошлиғи", "Туман ички ишлар ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўлими", "милиция таянч пункти вояга етмаганлар нозири..."

Газета бу билан қаноатланмай айрим муассасаларни зиммаларидаги мажбуриятлардан халос этаётир: "Йиғилишда туман ИИБ, ВЕН профилактик инспектори, милиция майори У. Абдурахмонов... туманда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, ўғирлик ҳолатлари, ўз жонига қасд қилиш ҳануз кўплаб учраётганлиги, бунинг олдини олишда **ички ишлар ходимлари эмас** (!!!), балки жамоатчилик, ота-оналар биргаликда кураш олиб боришлари лозимлигини уқтирди." (21.09.02.) Агар бу газетанинг "ижод махсули" бўлмай, майор У. Абдурахмонов ҳақиқатан-да шундай деб ўқдирган бўлса, унда "сирдарёлик ички ишлар ходимлари ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлай бошлабдилар-ку" деган ғоят ташвишли хулоса келиб чиқади.

"Сирдарё" саҳифаларида ўнлаб газетхонлар чиқиш қилиб "севимли" газеталарига ҳамду-сано ўқишган. Уларни кўздан кечираётиб камида шубҳа уйғонди: булар ҳаммаси газета ходимларининг "ижоди" бўлса керак, ахир, хатолар, алмойи-алжойи гаплар билан муҳаббат қозониб бўлмайди-ку! Мана бу гап эса аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи аёллар "Сирдарё"ни мутлақо ўқимасликларини кўрсатди: "Йиғилишларда... **аёлларга зўравонлик қилиш қонун йўли билан ҳимояланиши** ҳақида гапирилди." (18.05.02) Сирдарёлик аёллар газета ўқиганларида эди, ишончим комилки, бу гап учун мақолани тайёрлаган журналистни ўртага олиб дўппослашган ва биз бундан, ҳойнаҳой, хабар топган бўлур эдик!

Мана бу гапни ўқиганда эса, дўстим, камина чинакамига даҳшатга тушдим: "...электр ва газ билан боғлиқ бўлган ёнғинларни, улар оқибатида **инсонлар тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш мақсадида** (!!!) қуйидагилар талаб этилади..." (24.11.01.) Аллоҳ, Аллоҳ, у ёқда халқаро террористлар бомба-ю гранаталар билан, бу ёқда ўзимизникилар газ-у электр билан!.. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да!

Айни вақтда "Сирдарё" журналистлари ҳазилкашликни ҳам жойига қўядилар. Хусусан, газетанинг шу йил 14 сентябрь сонида бир ҳафта олдинги теледастурни чоп этиб ҳазиллашсалар, 21 сентябрь сонида бир онахоннинг суратини жумбоқ тарзида босиб чиқариб ҳазиллашадилар. 20 июль сонидаги "ҳазил" бундан ҳам ошиб тушган: газета "Сирдарёсут" раҳбари Аҳмаджон Абдуқосимовнинг "Т.Абдуқосимов" эканлигини исботлашга қайта-қайта уринган...

"Сирдарё" ўз саҳифаларида "қишлоқ фермерлари" (24.08.02), "бутун фан ўқитувчилари" (28.07.02.) тўғрисида мақолалар эълон қилган. Истардикки, энди "шаҳар фермерлари" ва "чала фан ўқитувчилари" тўғрисида ҳам мақолалар чоп этилса!..

Бас, етар! "Сирдарё"нинг таҳлилига газетанинг тўртталa саҳифаси ҳам камлик қилади! Ахир, бу ёқда ҳали материаллар "жуғрофияси", унутилган мавзулар ва ҳоказолар турибди...

...А

Дараклар

ҚОРАДОРИ ҚИРҚ БАРОБАР ҚИММАТ

Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай халқаро ҳамжамиятни мамлакатда наркотик моддалар ишлаб чиқаришга қарши курашда янада фаолроқ кўмак беришга даъват этди.

Унинг мурожаатида қайд этилишича, Афғонистонда наркомафия фаолият юритар экан, ҳеч қачон барқарорлик ҳам, ривожланиш ҳам бўлмайди.

Карзай ўз ҳукумати наркотикларга қарши курашда барча чораларни қўллашга тайёр эканини таъкидлар экан, деҳқонлар нашадан ташқари даромад манбаи топмагунларича бу ҳаракатлар муваффақиятга олиб келмаслигини таассуф билан қайд этди.

БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистон аҳолисининг 3 фоизи наша экиш билан шуғулланади. Бироқ Европа ҳудудида сотилаётган героиннинг 80 фоизи, қорадорининг эса 75 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади.

БМТнинг Афғонистондаги вакили Лакдар Брахимий наша етиштириш буғдой ўстиришдан кўра 40 баробар сердаромадроқ бўлгани учун деҳқонлар бу экинни экишдан воз кечолмаётганини айтган. Яна бир сабаб: мамлакатга инсонпарварлик ёрдами сифатида кўплаб ун юборилаётгани ҳам деҳқонларнинг буғдой экиш кайфиятига салбий таъсир этмоқда.

ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...МИ?

Жаҳон бўйича ноқонуний сотишга мўлжалланган қорадорининг 88 фоизи, морфиннинг эса 40 фоизи Эронда ушлаб қолинади. Эрон полицияси Бош бошқармаси раиси ўринбосари Сайид Ризо Ҳусайний Кошон тиббиёт институтида бўлиб ўтган анжуманда шуни таъкидлади.

Унинг айтишича, айни пайтда жаҳон бўйича етиштирилаётган қорадорининг атиги 2.62 фоизи тутиб қолинмоқда ва фош этилмоқда, холос.

Ҳусайнинг фикрича, гиёҳвандликни бу борада назорат ўрнатиш, тақиқлаш ёки қамоққа олишлар билан йўқ қилиб бўлмайди. Асосий эътибор ёшларнинг наркотик моддаларга қизиқиши ва эҳтиёжини вужудга келтираётган сабаблар, омиллар ва шароитларни бартараф этишга қаратилиши лозим.

Эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, бемеҳрлик, оиладаги ўта қаттиққўллик, "темир" назорат ёки умуман назоратнинг йўқлиги, оилада гиёҳванд кимсанинг борлиги болалар шахсиятида ишончсизлик пайдо қилади ҳамда ўз келажаги тўғрисида қайғуриш ҳиссининг йўқолишига сабаб бўлувчи омиллар сирасига киради.

ИРНА ахборот маҳкамасининг мамлакат қамоқхоналарида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига таяниб хабар беришича, жиноятчиларнинг 80 фоизи илк бор ўз дўстлари тавсиясига кўра гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишган.

GLOBUS international life

Мерос

Нафақат бадиий баркамол асарлари, балки ўткир танқидий чиқишлари билан ҳам машҳур бўлган ёзувчи ва журналист Абдулла Қодирий "Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар"деб ёзгандилар. Шунга кўра, биз ҳам "мавзуни мозийдан, тарихимизнинг энг кир, қора кунлари"дан белгиладик. Яъни, матбуотда цензорлар муҳим ва ҳал қилувчи рол ўйнаган ўтмиш замонлар ҳақида фикр юритмоққа қарор қилдик. Шукрки, бугунги ватанимизда цензура расман тугатилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, цензорларнинг нақадар муҳим мавқе касб этганини айнан бугун эркин гапираямиз.

Ушбу қадимий Манъчжур қўлёзмасида бирбирига айнан қарамақарши мусбат ва манфий тарафда турган ҳақиқатпарвар ёзувчи ва цензорнинг суҳбати берилган. Аён бўлганидек, мавзу ғоят қизиқарли ва ҳаётийлиги боис ҳам 18-аср рус зиёлилари ушбу таржимани ғоят олқишлар билан кутиб олгандилар.

Ўйлайманки, матбуот тарихига доир манъчжур қўлёзмасининг ўзбек тилидаги ушбу таржимаси ҳам кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмайди.

Ушбу манъчжур қўлёзмасини XVIII асрда таниқли рус публицисти ва адабиётчиси И.И. Пнин /1773-1805/рус тилига таржима қилган. Таржима "Ёзувчи ва Цензор" сарлавҳаси билан "Россия адабиёти журнали" да 1805 йилда чоп этилади. Асарга сўзбоши ёзган Пнин "Шу кунларда қўлимга тасодифан қадимий манъчжур қўлёзмаси тушиб колди. Ундаги майда чуйда битиклар орасидан "Ёзувчи ва Цензор" сарлавҳали жудаям қизиқарлисини топишга муваффақ бўлдим. Уни дарҳол рус тилига ўгирдим" — дея таъкидлаб ўтади.

Мен ҳам дўстим журналист Қодир Муллаев ёрдами билан ушбу асарни ўзбек тилига ўгириб сизга тақдим қилмоқдаман.

Ёзувчи ва Цензор

ЁЗУВЧИ: Жанобим, камина чоп қилдиришни ҳоҳлаётганим бир битикка эгаман.

ЦЕНЗОР: Уни аввало кўриб чиқиш керак. Нима деб номланган ўзи?

ЁЗУВЧИ:"Ҳақиқат", менинг жанобим!

ЦЕНЗОР:"Ҳақиқат"Ўх-ў! Уни кўриб чиқиш ва жуда синчиклаб кўриб чиқиш керак.

ЁЗУВЧИ: Сиз, менимча, ўзингизга ортиқча меҳнат олмоқчисиз. Ҳақиқатни кўриб чиқиш? Бу нимаси? Шуни билиб қўйингки жанобим, у меникимас ва у бир неча минг йиллардан буён мавжуд. Илоҳий Кун (Конфуций — эрамиздан аввалги 551-479 йилларда яшаб ўтган Чин файласуфи) уни ўзининг доно қонунлари қаторига киритган. У шундай деган: "Бирбирингизни севинг, бирбирингизни ҳафа қилманг, бирбирингизга зиё таратинг, бирбирингизга адолат сақланг. чунки, у умум ҳаётнинг руҳий тартиботининг, шунинг билан бирга, яхши турмушингизнинг асоси " асарим маъноси шу:

ЦЕНЗОР: Бирбирингиздан ҳеч нарсани тортиб олманг! Бирбирингизга адолатли бўлинг!... Жанобим, сизнинг асарингизни кўриб чиқиш ҳам қарз. ҳам фарз! /жонланиб/ Қани, тезда менга кўрсатинг-чи.

ЁЗУВЧИ: Мана, у...

ЦЕНЗОР: (Дафтарни очиб, варақларга кўз югуртириб) Ҳа... Қани... бу ҳали мумкин...бунисига ҳам йўл қўйса бўлади...аммо бунисига...бунисига (китобнинг бир жойига бармоғини нуқиб) ...асло йўл қўйиш мумкин эмас!

ЁЗУВЧИ: (Сўрашга ботинмай) Нима учун?

ЦЕНЗОР: Шунинг учунки, мен йўл қўймайман ва шунинг билан бирга, бу йўл қўярлик эмас.

ЁЗУВЧИ: «Ҳақиқатим»ни чоп қилинишига йўл қўймаслик даражасидаги зиёда ҳуқуққа эгамисиз? Ахир у меники-ку!

ЦЕНЗОР: Албатта, чунки мен унинг учун жавобгарман.

ЁЗУВЧИ: Қандай қилиб? Сиз менинг китобим учун жавоб беришингиз керакми? Ўз ҳақиқатим учун ўзим жавоб бера олмайманми? Сиз, жанобим, мутлақо ўзингизники бўлмаган ҳуқуқни ўзлаштириб олмоқчи бўлаяпсиз. Сиз менинг ишимга ҳам, фикрларим жилосига ҳам жавоб беришга қодир эмассиз. Мен жажжи болакаймасман ва катта амакига заруратим йўқ.

ЦЕНЗОР:Лекин сиз адашишингиз мумкин.

ЁЗУВЧИ: Сиз-чи жаноб Цензор, адашишингиз мумкин эмас-ми?

ЦЕНЗОР: Йўқ. Чунки мен нимага йўл қўйиш, нимага йўл қўймаслик кераклигини биламан.

ЁЗУВЧИ: Бизга буни билиш таъқиқдир сир бўлса? Мен нима қилаётганимни жуда яхши биламан.

ЦЕНЗОР: Агар /китобни кўрсатиб/ мана бу жойларини олиб ташлашга рози бўлсангиз, унда китобингиз олам юзини кўриши мумкин.

ЁЗУВЧИ: Сиз менинг «Ҳақиқатим»ни қалбидан, барча гўзалликлардан айириб, уни қиёфасиз , ахмоқона қилишингизга рози бўлишимни истайсизми? Йўқ, жаноб Цензор, талабингиз одамгарчиликдан эмас. «Ҳақиқатим»ни тушунмаслигингиз ва у сизга ёқмаслигига мен айбдорманми?

ЦЕНЗОР: Ҳар қандай Ҳақиқат ҳам чоп қилинавермайди.

ЁЗУВЧИ: Нега энди? Ҳақиқатни тан олиш истиқболга йўллайди. Инсонни бу эътирофдан маҳрум этиш унинг истиқболига тўсқинлик қилиш, уни бахтга чорлайдиган йўлдан маҳрум этиш демакдир. Битта ҳақиқатга йўл қўймаслик мумкин бўлса, унда ҳеч қандайига йўл қўймаслик керак. Чунки ҳақиқатлар бир-бирига узлуксиз Занжир билан боғланган. Биттасини олиб ташлаш занжирнинг бир узви узилиб қолиши унинг бутунлай яроқсиз ҳолга тушишига олиб келади. Шунингдек, ҳақиқий буюк инсон ҳақиқатни эшитишдан қўрқмайди, унга кўр-кўрона ишонишларини талаб қилмайди, аммо уни тушунишларини истайди.

ЦЕНЗОР: Сизга шуни айтайки, жанобим, китобингиз менинг гувоҳлигимсиз ҳеч нарса эмас ва бўлмайди ҳам, чунки усиз чоп қилинмайди.

ЁЗУВЧИ: Жаноб Цензор! Ижозатингиз билан айтайки, «Ҳақиқатим» улкан меҳнатлар эвазига яратилган: мен ундан соғлиғимни аямадим, унинг учун кеча-ю кундуз тер тўкдим. Қисқаси менинг хусусий бойлигим. Ўзликдан уялиш, доно Кун айтганидек, ҳеч қачон бўлмаслиги керак, акс ҳолда адолат ва тартиб бузилади. Хуллас, сизнинг гувоҳлигингизни ҳеч қандай аҳамиятсиз ҳисоблаш мумкин. Чунки тажрибага кўра, у китобни ҳам, ёзувчисини ҳам таъмин этмайди. Шунингдек, жаноб Цензор, сиз жуда ҳаддингиздан ошиб кетаяпсиз.

ЦЕНЗОР: /мағрур/: Мен сиз билан Цензор Ёзувчи билан гаплашгандек гаплашаяман.

ЁЗУВЧИ: Мен эса сиз билан, фуқаро билан гаплашгандек гаплашаяман.

ЦЕНЗОР: Қандай бетгачопарлик!

ЁЗУВЧИ: О, Кун! Илоҳий Кун! Ушбу суҳбатни эшитганингда эди, сенинг қонунларингдан қандай фойдаланаётганликларини, адолатни қандай назорат қилаётганликларини, илоҳий мақсадларингни топтаётганларини кўрганингда эди, унда... унда... сенинг адолатли ғазабинг... Хайр, жаноб Цензор, сиз билан шундай суҳбатлашдимки, ўз китобимни чоп қилдириш истагидан асар ҳам қолмади. Билиб қўйинг, «Ҳақиқатим» инсониятга муҳаббат билан тўла юрагимда ўзгаришсиз туради ва ўз виждонимдан бошқа ҳеч қандай гувоҳномага муҳтож эмас.

Умид БЕКМУҲАММАД тайёрлади

Юртимизнинг олис гўшаларида хаёт қандай кечаяпти? Одамларнинг жорий этилаётган ислоҳотларга муносабати қандай? Уларнинг тафаккуридаги ўй-ҳаёллар нималардан иборат?

Хизмат тақозоси билан жойларда бўлганимизда, қайси мақсадда сафар қилганимиздан қаттъий назар, юқоридаги аҳволларга жавоб излаш табий ҳолга айланган. Шу боис ҳам одамлар билан бақамти суҳбат асносида ўша саволларни бериб турамиз. Кимдир юрагидаги бор гапни тўкиб солса, бошқа биров эҳтиёткорлик одатини унутмагандай сукут сақлайди. "Тағин бу гапларимни газетага ёзиб юрманг," деганлари ҳам бўлади. "Қўрқманг, ёзолмайди, ёзганда ҳам чиқаришмайди" деб билимдонлик қилади яна бир суҳбатдошимиз.

— Нега ундай дейсиз, матбуотимиз аллақачон эркин фаолият юритаяпти. Кўнглингизда нима гап бўлса айтинг, чиқарамиз.

— Биламан, — деди у киши кескин оҳангда, сизлар фақат мақтов гапларни ёзасизлар. Ҳақиқат хаётни четлаб ўтасизлар. Шунинг учун сип-силлиқ мақолаларингизни ҳеч ким ўқимайди.

Очиғи ҳеч нарса дея олмай қолдим. Кейинчалик эса қаттиқ алам қилди. Бу одамга қандай қилиб жавоб бермадим экан, деб ўйланиб юрдим. "Фақат амалий иш билан жавоб қилиш мумкин," деди ҳамкасбларимдан бири, яъни хаётдаги бор гапларни текисламай, рўй-рост шундай ёзиш керакки, токи ҳалиги суҳбатдош ўз фикри нотўғри эканлигига ишонсин!"

Бундай йўл тутишнинг қийин жойи йўқ. Ахир матбуот халқ хаётининг кўзгуси, деб бежиз айтишмайди-ку! Шундай қилиб, бевосита халқ ичида бўлган суҳбатларни ҳаёлимга келтирдим. Турли касб, турли тоифа, турли савиядаги одамлар. Улар орасида эртанги кунга комил ишонч билан назар ташлаётганлар ҳам, ўзидан бошқа ҳаммадан норози бўлган шикоятчилар ҳам бор. "Ҳар каллада ҳар хаёл" деган нақл ёдимга тушди.

Ҳамсуҳбатларимни ноқулай вазиятга солмаслик учун (улар буни ўтиниб илтимос қилишди) исми шарифларини, манзилларини кўрсатмасликка ахд қилдик. Зеро, бу ўринда уларнинг шахсларидан кўра айтган гаплари, фикрлари муҳимроқдир. Ҳали айтганимдек, бир тоифа суҳбатдошлар бугунги сиёсат моҳиятини яхши англаб етган, яна баъзилари тор манфаат қулига айланиб ўз кўчаларидан нарини кўролмайдиган одамлар. Уларни шартли равишда тоифага бўлиб, рамзий маънода оптимист ва пессимист деб атадик, икки кишининг эмас , бир неча одамнинг фикрини мужассамлаштирган бу суҳбатларга газетхоннинг ўзи холис баҳо беради, деб ўйлаймиз.

«Ёзолмайди, ёзганда ҳам чиқаришмайди!»

Оптимист: — Ажаб замонлар бўлди-да. Қонунга риоя қилиб, эл-юрт дуосини олиб гуркираб кетган тадбиркорларимиз қанча. Илгари камбағал оиладан чиққанман, деган сўзни фахрланиб гапиришарди. Бой деган сўз душман деган маънони англатарди. Энди камбағалчилик айб бўлиб қолди. Тўғри-да , пул топишнинг минглаб йўллари чикди. Қулдай ишлаб, бойдай яша дегани шу-да...

Пессимист: — Нималар деяпсиз? Қора қозонни қайнатиш муаммо бўлиб қолдику. Отанг бозор, онанг бозор деганларидек, кунимизни бозорда ўтказиб тургандик. Шуниям кўп кўришди. Қизиқ, шунча бозорда ишлаган сотувчилар Давлатга патент тўлашарди. Энди буёғи нима бўларкин? Ўзи, нега бу бозорларни ёпиб қўйишди?

Оптимист: Сиз кўзингизни каттароқ очинг. Аллақаердан тайини йўқ молларни ўғринча йўл билан олиб келиб, қўлдан-қўлга ўтказиш кимга керак? Бу аҳволда ҳаммага кулгу бўламиз-ку. Бозор ҳам қонун- қоидани яхши кўради. Дунёда шундай халқлар борки, аввало ўзида етиштирилган молни сотиб олишга ҳаракат қилади. Ватанпарварликнинг амалий намунаси бу. Бошқа жойлардаги ўтмас моллар билан савдо қилиш бизга эпми? Халқимизнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ.

Пессимист: — Бу гапларингиз тўғри-ку-я, лекин, баъзан "орган"одамлари сал ҳаддидан ошмаяптимикин? Тунов куни ён қўшнимизнинг уч миллион сўмлик молини бозорда "қонунга зид сотяпсан" деб тортиб олишди. Қанча одамларни ўртага қўйиб илтимос қилса,- "Иложи йўқ, Президент фармони бор"- деб рад жавоб қилибди. Ахир Президент шундай қилсин демагандир.

Оптимист: Президент адолатни кўзлайди. Адолат бўлиши учун қонун ишлаши керак. Лекин кўпчилигимиз ҳуқуқий жиҳатдан ҳамон саводсизмиз. Қачон пешонамиз "тақ" этиб урилса, кўзимиз очилади. Кўп масалаларда узоқни ўйламай иш тутамиз. Аслида одам боласи бу дунёда нима мақсадда яшайди? Шу саволни ўйлаб кўрмаганларимиз қанча. Халқ учун нима нафим тегди, ортимдан из қолаяптими, деган саволга жавоб берайлик. Ахир инсон фақат қорин учун яшамайди-ку. Нуқул нафсини ўйлаган одамни инсон деб бўладими?! Очиғини айтганда, кўнгилдаги сўзни бемалол айтиш, кўнгилдаги ишни қилиш замони келдику. Шуни тушуниб етайлик!

Пессимист: — Кўнгилдаги гапни айтган билан қорин тўйиб қоладими?! Оч қоринга чилдирма не ҳожат? Далада ишлаб ойлаб иш ҳақи ололмаётганимизни пойтахтдагилар ҳам билишармикан? Бўш қоп тик турмайди. Аввал иқтисод деган гаплар бор-ку?! Нега бундай аҳвол билан муроса қилиб келаяпмиз?

Ҳафталаб қозонига гўшт тушмайдиган хонадонлар борлигини биласизми? Олаётган маоши йўл кирасига етмайдиган одамлар қанча? Бундай ҳолатлардан кўз юмишга ҳаққингиз йўқ. Булар ҳам Ўзбекистон фуқароларими? Уларнинг бошқалардан кам жойи борми?

Оптимист: Кам жойи бор: сиз айтган одамларда ҳаракат, интилиш етишмайди. Ким маошга қараб ўтирсин дебди? Ахир ҳалол даромад топишнинг манбалари жуда кўп-ку?! Тан-жони соғ одам яхши яшаши учун ҳаракат қилиши керак — бу бозор иқтисодиётининг олтин қоидаси. Мана, кўчага чиқинг, машиналарнинг охири кўринмайди. Шуям халқимизнинг бадавлатлигини билдирадими? Гул бозорлари ҳар қачонгидан кўпайиб кетди. ҳар бир гулдасталарки, чиройини соатлаб томоша қиласиз. Шунча гуллар сотиб олинаяпти. Буям бир белги. Одамлар гулга қачон харидор бўлади-қачонки, эгни бут, қорни тўқ бўлса. Юртимиздаги тўй-томошаларни-ку таъриф қилиб ўтирмай. Буям қандай даражага эришганимизни кўрсатади. Энди одамларимиз моддий эҳтиёжларни эмас, маънавий оламини бойитиш ҳақида ўйлашаяпти. Президент сиёсати ва истиқлол шарофати туфайли қанчадан қанча қадамжоларимиз обод бўлмоқда. Халқимиз буюк аждодларимиз ўтган муқаддас масканларга бориб, ўзларининг қандай зотларга ворис эканлигидан ғурурга тўлаяпти.

Пессимист: — Кечирасиз, ўшандай зиёратгоҳлар ёнида тиланчилар ҳам кўпайиб қолганини кўраяпсизми?

Оптимист: Улар миллатимиз шаънига доғ тушираётган кимсалардир. Тиланчи ёки гадой ким? Одамларимизнинг бағри кенглиги, саҳийлигини суиистъемол қилаётган, ишлашни хоҳламаган, тайёрга айёр инсонлар. Ахир соппа-соғ кўзлари билан ожиз ролини ўйнаган, бус-бутун оёғини, чўлоқ қилиб кўрсатган тиланчилар фош бўлишди-ку. Сиз ва бизнинг лоқайдлигимиз туфайли улар ивирсиб юришибди. Нега бутун жамоатчилик якдил бўлиб тартибга чақирмаймиз? Нега ўша жойлардаги маҳалла аҳли бу ҳолга томошабин? Ўзи эркинлик дегани аввало мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиш керак-ку?!

Пессимист: — Нима деганингизда ҳам нарх-навонинг ошиб кетганлигидан кўз юмолмассиз?

Оптимист: — Нарх нега ошаяпти? ён-атроффимиздаги вазиятдан келиб чиқилмоқда. Биз арзон қилсак, четга чиқмаса экан. Нима қилайлик , ҳали ҳам орамизда миллат шаънидан ўз ҳамёнини устун қўядиган зотлар йўқ эмас. Аслида арзон қилиш ўзимизга боғлиқ, маҳсулот кўпайса, рақобат шароитида нарх-наво тушади. Мен бунга астойдил ишонаман. Ҳукуматимиз юритаётган сиёсат, барча соҳадаги ислоҳотлар шунга йўналтирилган. Ҳаммамиз жам бўлиб шу йўлда жон куйдиришимиз керак. Ахир "мен кичкина одам" деб ўзимизни четга олсак, мақсад сари йўлимиз чўзилиб кетади.

Пессимист: — Демак, халқимизнинг тушунчаси дунёқараши орқада қолаётган эканда?

Оптимист: Йўқ, халқимизни камситиш ноўрин. Ҳавас қиладиган, меҳнаткаш, ажойиб халқимиз бор. Ўтган ўн бир йил ичида халқ кимнинг нимага қодир эканлигини англаб олди. Халқни бошқа томонга буришга уринганлар ниятига етолмади. Эҳ-ҳе, не-не синовлар ортимизда қолмади! Шу даврда халқимиз улғайди. Энди бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. Ён-атрофга назар ташлайлик. Бизнинг тинч, осойишта ҳаётимизга кўплар ҳавас қилаяпти. Бу гапларни биз кўча-кўйда, маҳалла-гузарда, ўқиш жойларида ёшларимизга уқтиришимиз керак. Токи ўзбекнинг ахиллиқ, иноқлик, жамоа бўлиб интилиши, бирдамлик каби фазилатлари ўсиб келаётган авлодларга ўтсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Демократлашаётган жамиятда мавжуд муаммолар ҳақидаги бундай ўзаро баҳслар матбуотимиз юзини кўриши табиий ҳол. Сиз юқоридаги баҳсларга қандай муносабат билдирасиз?

Қандай муаммолар бор? Уларни қайси йўл билан бартараф этиш мумкин?

Ўзбекистон — она диёримиз барчамизникидир. Унинг дардларига дармон бўлиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга ҳам нафақат ҳокимлик вакиллари балки фуқаро сифатида барчамиз маъсулмиз.

БАҲС

СИЗ ДЕМОКРАТИЯНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Демократия ҳақида ҳар ким ҳар хил тушунчага эга. Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг энг мукаммал шакли деб тан олинган бу ҳолат қачон ҳар биримизнинг онгу-шууримиздан жой олади?

Жамиятимизни ривожланган демократия даражасига етказиш учун қандай ишларни қилмоқ керак? Бу каби саволлар ҳар биримизни безовта қилаётгани табиий. Шу боис биз бугун газетамизда "Демократия ўзи нима?" деган баҳс-мунозара очишга қарор қилдик. Бундан мақсад юртдошларимиз демократияни қандай тушунадилар, улар бу ҳолатга эришиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлашларини билиш эди. Нима хоҳлаётганимизни билиш эса мақсад сари аниқ ҳаракатни белгилаб беради. Демак, сўз юртдошларимизга!

1. ***Сиз демократияни қандай тушунасиз?***
2. ***Демократиянинг чегараси бор, деган фикрга муносабатингиз?***
3. ***Демократияга эришиш учун айни пайтда ҳар биримиздан нималар талаб этилади, деб ўйлайсиз?***

ЎЗ ФИКРИМИЗГА ЭГА БЎЛСАК

Мурод ҲАМРОЕВ, механик:

1. Демократия ҳақида бир лекторнинг маърузасини тинглагандим. Тушунишимча, у сайлаш, сайланиш, давлат ишида иштирок этиш, сўз, матбуот эркинлиги, дегани. Жамиятда яшаяпсанми, сенинг ҳам фикринг уни ривожлантиришда эътиборга олиняптими, шу, менимча, демократия.

2. Ҳамма бошқа нарсалар қатори унинг ҳам чек-чегараси бор. Бўлмаса, моҳияти йўқолади.

3. Назаримда, энг аввало ҳар бир масалада киши ўз фикрига эга бўлиши керак. Кўпчилик фикрини эшитиб, тафаккур қилиш оқибатида шаклланган бу фикр жамиятни ўзгартиришга қодир.

Айрим жойларда бўлмағур, ахмоқона гапларни эшитиб қоласан. Улар реал воқеликни акс эттирмайди. Шунда одам бефарқ бўлмай, ўз фикрини айтиши, нотўғри фикрни сингдираётган кишига қарши фикр билдира олиши керак. Нотўғри фикр оммалашига қарши тўғри фикрлар қарши тура оладиган жамиятда ҳеч қандай фожеа рўй бермайди.

НАФС ҚАСРИ СИНМАГУНЧА

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий гуруҳи раҳбари:

1. Америкача демократия, Хитойча, Россияча демократия деган гапларни этишяпмиз.

Биз эришмоқчи бўлиб, дастлабки пиллапояларига умидли қадамлар қўйилаётган йўл умуминсоний демократия талабларига мувофикдир.

Қадимий аньаналаримиз, миллий урф-одатларимиз, исломий удумлар – демократия заминига сингиб кетяпти.

Нафс қасрини синдира олган кишигина демократия учун хизмат қилишга қодир. Демократия – эл-юрт, Ватан ва кўпчилик манфаатини ўзиникидан устун қўя оладиган инсонлар юрадиган кўчадир.

Оқ билан қорани ажрата билиш салоҳиятига эга бўлган, тўғри сўзни матбуотда айтишдан чўчимайдиган, ҳақиқат учун ҳаловатидан кеча оладиган, виждон амрига итоаткор, халқ озодлиги, ҳуқуқи учун курашга қодир, бошқаларга ҳавас билан боқа оладиган, ижобий ўзгаришларга холис баҳо берадиган журналистгина демократиянинг пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қила олади.

2. Демократиянинг чегараси, менимча, халқ билан давлатни идора қилувчи ҳокимият ўртасидаги масофадир. Мамлакатни бошқаришда омманинг иштироки нечоғли фаоллашса, бу масофа камайиб бораверади.

3. Демократия адолат ва ҳақиқатга ўхшайди. Қидирганда узоқлашаверади. Керак бўлмаганда ўзи келади. Бахтимизга адолат ва ҳақиқат йўлида чарчамайдиган инсонлар кўп.Улар демократия шаббодаларини биз томон бурмоқда.

Ҳуқуқий билими кучли, иймонли, маънавияти покиза журналистларнинг саъй-ҳаракатлари бир мақсад сари йўналтирилса, демократия жараёнлари жадаллашади.

МЕН ВАТАНГА НИМА БЕРДИМ?

ГАВҲАР РАҲИМОВА, Француз тили ўқитувчиси, Шофиркон:

1. Демократия, бу ҳар томонлама етук, онгли жамиятни вужудга келтириш демакдир. Демоқчиманки, ҳар бир инсон жамиятимизда бўлаётган ўзгаришларни, янгиликларни, қонун-қоидаларни яхши ўзлаштириб бориши ва бу шуларнинг барчасига реал кўз билан боқиши зарур. Шу билан бирга ҳар бир инсон ҳоҳлаганича илм олиш, изланиш, олган билимини истаган соҳасида татбиқ этиш мумкинлигини, ҳаётда қандай тошу тарозига эга эканини тушуниб етиши зарур.

Миллий қадриятларимиз ҳақида тушунчага эга бўлиб, ўзлигини англаш, миллий ғоя ва мафкура ҳақида ўз фикрига эга бўлиш , буларнинг ҳаммаси демократияга яқиндан ёндашиш деб тушунаман.

2. Албатта , ҳар бир нарсанинг чек-чегараси бўлгани каби демократия ҳам чегараланган. Демократия – "анархия" эмас. Демократия хоҳлаган номаъқулчиликни, кўнглингга келган нарсани қилавер деган маънони билдирмайди. Инсон ўзига, ўз хатти-ҳаракатларига маъсул бўлмоғи, бировнинг "томорқаси"га бемарварид кирмаслиги кеарк. Демоқчиман-ки, ўзгаларнинг шаъни, қадр -қиймати-ни ҳамиша ҳурмат қила билиш керак. Демократиянинг чегараси –шу.

3. Демократияга эришиш учун айни пайтда ҳар биримиздан маънавий етуклик, баркамоллик, фидойилик талаб этилади. "Ватан менга нима берди?" деб эмас, "Мен Ватанга нима бердим" деган фикрни уқиб олиб , демократик давлат равнақига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Мушоҳада

РАМ СОҲИБДАН ҲАММАГА САЛОМ

Янги аср инсоният учун анча ташвишли бошланди. Миллатлараро келишмовчиликлар, элатлараро адоватлар Ер куррасининг хали у ерида, хали бу ерида алангаланиб турибди. Бепоён коинот қўйнида чарх уриб юрган шу кичкина замин омонат турганда, ўз меҳравидан чиқиб кетаётгандай. Бироқ, ҳар қандай жаҳолат, кимларнингдир томонидан гиж-гижлаб амалга оширилаётган қабоҳатнинг пайини қирқадиган асосий омил- тинчлик, тотувлик, биродарликдир! Мана шу мезонларга риоя қилиб яшамоқ ҳар бир имонли замин фуқаросининг инсоний бурчидир. Бунга риоя қилмасликнинг адоғи — ҳалокат экани ҳозир ҳаммага аён бўлиб қолди.

Ёзувчи Дадахон Нурийнинг ушбу бадиаси эътиқоди пок, умуминсоний йигит ҳақидадир.

Ушбу ёзганларим — нимаики кўрган, кузатган, эшитган, ўзим гувоҳи бўлган воқеа асосида қоғозга тушди, ҳеч қандай муболағаю тўқимаси йўқ. Қаҳрамонимнинг қилаётган ишлари, ҳатти-ҳаракати "ғалати" –девонаворроқ...

У билан биринчи учрашув кутилмаган вазиятда бўлган: мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари замонамизнинг буюк мусаввири устоз Чингиз Аҳмаровнинг ташаббуси, республика "Истеъдод" ёшлар жамғармаси раиси ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг сайю ҳаракатлари билан ёш рассомлар асарлари савдо –кўргазмаси ташкил этилганди. Бундан мақсад уларга моддий ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ёшлар ижодини кенгроқ тарғиб этиш эди.

Махсус буклетлар, зарварақли таклифномалар чиқарилиб, Тошкентда бирин-кетин очила бошлаган қатор мамлакат элчихоналарига, халқаро ташкилотлар маҳкамаларига, кўпдан-кўп хорижий тижорат компаниялари идораларига юборилганди.

Биз учун янгилик бўлган бундай "суратлар савдо кўргазмаси" икки ҳафта давом этиб, кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Элчилар, турли даражадаги дипломатлар, қўшма корхона вакиллари – сармоядор жаноблар ва тасвирий санъат мухлисларининг намойишлар залидан қадамлари узилмади. Кунига бешолтитадан ёшларнинг асарларига харидор чиқиб турди. Харидорки, чинакамига савдолашадиган, айтилган баҳонинг нақ ярмига келтириб пул чиқарадиган кишилар эди. Бундай "савдолашиш" русуми бизларга эриш туюлар, ҳали "бозор иқтисодиёти" деган ақидаларга кўникиб улгурмагандик.

Кўргазма охирлаётган кун қорачадан келган, ўрта бўй, тарвақайлатиб соч қўйган, кийимлари одмигина 24-25 ёшлардаги бир йигит кириб келди. Унинг ҳеч кимни назар-писанд қилмаётгандай, қўлларини орқасига чалиштириб олганича зални бепарво кезиши одамнинг ғашини келтирарди.

Ўн икки кун давомида бунга ўхшашларни кўраверириб, улар "руҳининг инженери" бўлиб кетган ёзувчимиз – Жамғарма раиси Худойберди ака Тўхтабоев менга яқинроқ келиб:

— Ана, оғайниларингиздан яна бирови келди, ашаддийси шекилли! Мободо ишқивозликка савдолашадиган бўлиб қолса, муомалани ўзингиз қилаверинг, -дедида, нари кетди.

"Оғайним" шунчаки томошага келган-у савдолашишга қурби етмайдигангроқ эди, назаримда. Лекин тасвирий санъат дунёсидан унча-мунча хабари борга ўхшаб кўринарди: қўйилган суратларга шунчаки қараб ўтмас, айримлари қаршисида узоқ туриб қолар, нималарнидир уқмоқчидай орқароққа тисарилар, яна яқинроқ келиб разм соларди.

Беҳзод Маҳмудов деган ёш "модерн" мусаввирнинг икки асари мавҳумроқ руҳда бўлиб, кўргазмага қўйишқўймаслик устида анча тортишув бўлган ва ниҳоят, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалоловларнинг аралашуви билан "разнообразие" (ҳар хиллик) учун назардан четроқ бир бурчакка илиб қўйилганди.

Уларни ҳар кўрганда Худойберди аканинг энсаси қотиб, "чала қолган томсувоқ", деб ўтарди.

Шу "томсувоқ чаплама"лар қаршисида меҳмон йигитнинг узоқ туриб қолиши менинг унга бўлган қизиқишимни яна оширди.

Яқинроқ бориб гурунгга тортгандим, чинданам "оғайни" чиқиб қолди, ҳиндустонида тиллаша кетдик.

— Тасвирий санъат мухлисиман. Касбим – тижоратчилик. Тошкентга келганимга бир ой бўлди, -деб турди-да суратлардан бирининг нархини сўради.

— Жуда қиммат, -дедим жиддий оҳангда, лекин кўнглимнинг бир четида рамкаси йўқ, ёғоч кесакиси ҳам рўдапо бу "асар" сенга ёқаётган бўлса, совға қилиб юборишимиз мумкин, деган гап ғимирлаб турарди.

Бироқ, янги танишимнинг ахди жиддийга ўхшади:

— Қимматлигини билиб турибман. Аниқ келишилган баҳоси бордир. Айтинг!

— Қаршингиздаги "Тоғ ирмоғи" суратининг баҳоси..., -деб турдим-да, оғзимга келган катта суммани айтдим. Сўнг қўшиб қўйдим: ёнидаги "Хазонрезги мавсум"га кўнгилдан чиқариб беравераси з.

Худди шу пайт эшикдан Беҳзод кириб келди. Мен меҳмон диққатини унга қаратдим:

— Бу асарларни чизган мана шу йигит бўлади. Энди ундан дасхат ҳам олишингиз мумкин...

"Оғайним":

— Иккала суратни тушуринглар, мен олдим, -дедида ташқарига йўналди, кўп ўтмай қора дипломат сумка кўтариб келди...

Ўзбек тасвирий санъатида бунақа йирик савдо яқин ўртада бўлмаган экан. Буни Жавлон билан Баҳодирдан эшитиб, ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

Чинданам Б.Маҳмудовнинг лотереяга катта ютуқ чиққан одамдай қувончи чексиз эди. У анчагина яхши яшай бошлади, янги устахонали бўлди.

Тижоратчи Говинда Рам эса суратларни машинасига ортиб кетганича ундан бошқа дарак бўлмади. Истаб-суриштирай десам, на телефон рақамини, на турар жойини билардим.

Бир куни тасодифан уни аэропортда учратиб қолдим. Катта кутиш залининг соявурроқ жойида орқасини сал ўгириб олиб, шипиллатиб пул санояпти. Беихтиёр ўша сурат сотилган кун унга қараб туриб Худойберди ака айтган гап эсимга тушиб кетди: "Машинанинг ўзи-я! Онаси фақат пул санашга туққан шекилли".

Рам ўзидан бир қадамча нарироқда бошларини хам қилиб турган, кийиниши, қуриниши ҳам дурустгина ўрта яшар жувонга нимадир деди, бир даста ақчани қўлига тутди.

Жувон "касса" томон кетди.

— Ҳорманг энди, Рам соҳиб! — дедим унга яқинроқ келиб.

— Э, бормисиз, бҳайжон (акажон), — дея қучоғини катта очиб мен билан сўраша кетди. Гап орасида қўшиб қўйди, — Ўша куни отингизни ҳам сўраб олмаган эканман. Барибир учратаман, деб юрардим.

— Бизда тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади, деган гап бор. Ишлар яхшига ўхшайди, -дедим-у кўшиб қўйдим, -хонимларга пул улашаяпсиз!

— Э, бечоранинг бошига мусибат тушибди, -у жувон кетган тарафга ишора қилиб қўйди, -ўзи бу ерда тижорат билан шуғулланар экан. Бухородан телеграмма кептионаси қаттиқ бетобмиш. Самолётга билет оламан деб турганда ёнидаги бор пулларни сумкаси билан ўғирлатиб қўйибти. Шунақа қийин пайтда одам бир бирини қувватламаса бўладими? Унинг устига ҳамкасб...

— Аввалдан танирмидингиз?

— Йўқ. Мана адреси, телефон рақами. Уйдан қайтибоқ пулингизни етказаман деди. – Рам чиройли қилиб адрес ёзилган қоғозни кўрсатди. Сўнг овозини баланд қилиб, қўшиб қўйди, — Заҳириддин Бобур номли шоҳкўчада тураркан. Керак бўлса, ижара уйни ўша ердан оламан.

Унга мен қўшимча қилдим:

— Истасангиз, Тошкентдаги Мирзо Ғолиб кўчасидан ҳам ҳовли жой топиб берамиз.

Бирдан ҳамсуҳбатимизнинг кўзлари чарақлаб кетди:

— Мирзо Ғолиб маҳалласи борлигини эшитиб, бир зиёрат қилиш ниятида юрардим. Аллома номидаги кўча ҳам бор эканда! Биласизми, у киши ким бўлган: "Тагитахти" сизлардан-у, Ҳиндистон-Покистоннинг буюк шоири!

Мен Ғолибдан байт ўқидим.

"Ғолибни ким десангиз — Турон тупроғиданман, Таги-тахтим Самарқанду деҳқон қароғиданман."

Гурунгдошим кафтини пешонасига яқинлаштириб, қойил деган маънода ҳаяжон билан "вах-вах" деб юборди.

Яқин атрофдаги кишилар биз томон қараб қўйишди.

Мен Рамдан сўрадим:

— Умуман, ишлар қалай?

— Ёмон эмас! Тошкентдаги барча дўконлар деярли шип-шийдам бўлиб қолган экан. Одамларда пул бор-у мол қаҳат. Қўлдан келганича зарур молларни келтириб турибмиз, Дубайдан! Лекин менинг ҳозирча дўконим йўқ, чакана савдо билан шуғулланувчи мижозларим бор. Молларни ўшаларга бераман. Сотиб, бир-икки ҳафтадан кейин пулини қайтаришади. Ўзларига ҳам, менга ҳам озмоз фойда қолади. Сизларда Ҳиндистон чойига талаб катта экан. Озгина иш юришиб кетса, бизнеснинг шу соҳасига ўтиш ниятим бор!

Говинда Рамнинг ишларига омад тилаб, унга уйимиз адресини бердим... Келаётган якшанба бизникига борадиган, кейин Мирзо Ғолиб маҳалласига бирга ўтадиган бўлдик...

(Давоми бор)

Дадахон НУРИЙ

Илдизлар

ШАРҚОНА ЖИНСИЙ АХЛОҚ

аслида қандай бўлиши керак?!

Ўктам Муҳаммад Мурод (Қўчқоров) газетхонларга яхши таниш. У андролог-шифокор, тадқиқотчи. Унинг , айниқса "Келинчакнинг оқ либоси", "Гўшангага ёруғ йўл", "Никоҳнинг биринчи кечаси", "Эркакнинг иккинчи юраги", "Зино исканжасида", "Тиб салтанатининг тиғли султони" каби илмий-оммабоп асарлари китобхонлар орасида анча танилган.

Ўктам МУҲАММАД МУРОД билан бу гал ҳам унинг ўзи яхши кўрадиган мавзу атрофида суҳбатлашдик.

— Охирги пайтларда, жинсий тарбия мавзусига доир кўплаб китоблар чоп этилди, матбуотда қатор чиқишлар қилинмокда. Сизнингча, бу мавзудаги сабоқлар аслида қандай йўналишда олиб борилиши зарур деб ўйлайсиз?

— Биринчидан, жинсий ахлоққа доир сабоқлар "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" нақлига мувофиқ тарзда мутахассислар томонидан олиб борилса дуруст бўларди.

Иккинчидан, шарқона жинсий ахлоқ илмий, шаърий, тиббий, руҳий ва маънавий асосларга таянсагина фойдалидир.

Учинчидан, умумтарбиянинг ажралмас таркибий қисми бўлган бу сабоқлар мажмуи авлодлар – туғилажак фарзанд ота-онаси вужудида ҳужайралар сифатида пайдо бўлган кездаёқ бошланиши ва бу жараён умр интиҳосига қадар давом этиши шарт.

Тўртинчидан, фарзанд она «қўнимгоҳ»ида қарор топган даврда, чақалоқликда, боғча-мактаб ёшларида, расида арафасида, шаҳвоний жўшқинлик пайтида, хуллас, ҳар хил даврнинг ўзига хос жиҳатларида кўздан қочирилмаслиги лозим. Айниқса, балоғат остонасидаги қизлар ҳайз ҳақида, йигитчалар эҳтилом борасида барвақтроқ огоҳ этилиши зарур.

Бешинчидан, шарқона жинсий ахлоқ ғарбга хос фаҳш ташвиқлари комида қолмаган бўлиши шартдир...

— Сиз айтган, Ғарбга хос қусурларнинг қайсиларидан огоҳ бўлмоғимиз лозим?

— Афсуски, бу қусурларнинг кўплаб турлари "ёмғирдан кейинги қўзиқоринлай" беҳад урчиб кетди. Уларнинг айримларинигина таъкидламоқчиман, холос: боғча ва мактаблардаги "ножикс" тарбия усубларига чек қўйилса қизалоқларнинг эркакшодароқ, ўғлонларнинг заифатабиатроқ бўлиб камолга етишишлари олди олинарди. "Иблис кўнимгоҳлари" сифатида урғуланаётган дискотекалар , пляж, бар каби тунги кўнгилочар ишратхоналар шаҳвоний бузуқликлар масканлари сифатида фаолият кўрсатаётганлари ҳеч кимга сир эмас. Зино хасталикларининг кенг кўламда ёйилаётганлигига "йигитчиликни — итчиликка" менгзаётганлар тарқатишаётганликлари ташвишли ҳолдир. Ёшлар орасида ишратга муккадан кетиш, банчиворлик кабилар кенг ёйилишига, ғарбга тақлидомуз ҳаёт тарзи кечириш, ойнаи-жаҳондаги телесериаллар, ибоҳаёдан мосуво хонимларнинг турли шоуларга бошловчилик қилишлари ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти, албатта. Бу борада "либосда ҳам яланғоч" тусда гавдаланишга ҳаракат қилаётган қўшиқчи аёлларнинг айримлари жуда илдамлаб кетишди. Энг даҳшатлиси, ўз жинсдоши билан қовушишдек тахдиднинг ҳозирги ёшларимиз онгига ибратли меъёрдек сингдирилаётганлигидан огоҳ бўлишимиз керак.

— Ушбу тахдид борасида мукаммалроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Жаҳаннамга ўтин қилиши муқаррар бўлган бу гуноҳи-кабирани охирги пайтларда меъёрий ҳол деб ташвиқ этиш одатий ҳолга айланди. Инсон шуури аслида шиша идиш каби мусаффо бўлади. Уни болга ҳам тўлдириш мумкин. Тасаввур қилинг, нажас билан лиммолим шуур идишини бўшатиб, ичини такрор-такрор ювсангизда унга қайта бол жойлай олмайсиз. Бол солсангиз-да нажосатдан қолган ҳид уфуриб туришини сезасиз ва уни асло истеъмол қила олмайсиз. Фаҳш, бузуқлик ана шу нажосат, демакдир. Энди эркак-эркакни, аёл-аёлни жуфтдош этиши иблис измида қул бўлиб қолганликдан далолатдир. Қарангки, аллома Ибн Сиргон айтишларича, бундай жирканч ишдан ҳаттоки ҳайвонлар ҳам ҳазар қилишар экан, шу боис ҳам эшак ва тўғиздан ўзга бирон жонзотнинг эркаги эркаги устига сакрамас экан. Не ажабки, олий тафаккур соҳиби бўлган одамизод вакилларидан айримлари "баччавоз"ликка ҳарисмандлик сезмоқдалар.

Бундай бузуқликларнинг кенг ёйилишига ҳам ғарбона таъсирлар сабаб бўлмоқда. Марҳамат, мисоллар келтириш ҳам мумкин:

Уларнинг кўпгина мамлакатларда никоҳлари қайд этилаётганликлари, яъни эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан турмуш қуриши аслида барча динлар томонидан қораланилса-да, айрим черковларда никоҳлари амалга оширилаётгани залолатдан ўзга нарса эмас.

Энг ачинарлиси, шуҳрат чўққисига эришишга орзуманд айрим тоифалар имидж-сифатида шу йўлни танлашаётир. Масалан, машҳур "Титаник"да бош ролни қойилмақом қилган йигитча кўп ўтмай экранда шу тоифа кимса образини яратди ва ташвиқ ишига улкан ҳисса қўшди. Яна бир машҳур кимса, миллионлаб мухлислари борлигини иддао қилаётган нусха, ўз жинсдошига турмушга чиқишини ташвиқ этиб, ўн минглаб тақлидчан ёшларнинг шу йўлга кириб кетишига сабабчи бўлди. Б.Моисеев оврўпалик маслакдош "голубой" қўшиқчи билан дуэт ижро этиб, ўз ҳаёт тарзини ибратомуз дея бошқалар тафаккурига сингдиришга уннаётганлиги айрим ёшлар онгида даҳшатли ўзгаришларни юзага келтириб улгурди.

Унутмаслик лозимки, ҳали расида бўлмаган ёхуд балоғатга етса-да жинсий фарқланиш таъсирида бўлган болалар ва ўсмирларни бир новдага менгзаш мумкин. Уларни букиш ва хоҳлаган қўйга солиш бадниятли кимсалар учун ҳеч гап эмас. Айниқса, 6-8-9, 12-14 ва 16-17 ёшдагилар таъсирга ўта бе릴увчан бўлишлари боис, "гомик"ликни уларга меъёрдек сингдирувчи кимсалар таҳдидидан огоҳ бўлмоғилик жоиз.

— Бугунги кунда кенг ёйилаётган хатарларнинг яна қайсиларини таъкидлаган бўлардингиз?

— Булар талайгина. Мени зиноий касалликларнинг беҳад урчиб кетаётгани ташвишлантиради. Балоғат пиллапоясидан эндигина ҳатлаб ўтган айрим қизлар орасида номусидан мосуво бўлиб, барвақт ҳомиладор бўлишлари ёки "фарзандкушлар"га айланишаётгани аслида даҳшатли қолдир. "Ёмонликлар онаси" бўлган ичкиликвозлик, бангиворликнинг урчиётганлиги ва қатор бошқа таҳдидларнинг барчаси ҚАЛБдаги иймон дарахти илдизига болта урилаётганлиги натижасидир. Зеро, "ҲАЁ ИЙМОНДАНДУР".

Баҳром СОАТОВ
суҳбатлашди

Сана

ТИЛГА МУҲАББАТ КЕРАК

Тил инсоннинг ўзлигини англаш, фикр-ўйи, туйғулари, орзу-истаклари, интилишларини ифодалаш учун берилган. Тилсиз ижтимоий ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Зеро бу ҳаётда, Расул Ҳамзатов ёзганидек: "Агар менинг тилим бугун йўқолар экан, эртага мен ўлишга тайёрман". Тилнинг софлиги, мавжудлиги, нафислиги ва унинг бойлиги, кундалик ҳаётда тўғри, оқилона ишлатилиши учун курашмоқ зарур. Чунки у орқали халқ, миллат ўзининг ким эканини кўради.

Ўзбек тили — давлат тили мақомини олганига ҳам ўн уч йил бўлди. Бу давр ичида тилимиз ўзига юклатилган вазифаларни уддалай олдими ёки йўқми? Тажрибадан кўриниб турибдики, албатта, уддалай олди. Ўзбек тили бугун оддий мулоқот воситаси вазифасини бажаришдан тортиб, давлат ва ҳукумат ишларида ҳам бемалол қўлланмоқда. Масалан, Олий Мажлис сессиялари ўзбек тилида олиб бориляпти. Президентимиз ҳар доим ўзбек тилида маъруза ва нутқ қиляпти. Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари, Президентимиз фармонлари ўзбек тилида эълон қилинмоқда. Оммавий ахборот воситалари — газета ва журналларнинг мутлақ кўпи, радио ва телевидение дастурлари ҳам асосан давлат тилида олиб бориляпти. Айниқса, "Ахборот" дастурлари, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маориф ва маданият, маънавият ва маърифатга оид кўрсатув ва эшиттиришларнинг жонли ўзбек тилида, яъни, халқимизнинг қалби ва юрагига яқин тилда олиб борилиши ёшларни миллий анъана ва қадриятларимиз, миллий тарихимиз ва давлатчилигимиз тамойиллари руҳида шаклантиришда самарали омил бўлаяпти. Бу нарса тил, айниқса, мустақил бўлган мамлакатнинг давлат тили нақадар қудратли кучга эга эканлигини намоён қилади.

Ўзбек тилининг мамлакатимиз сиёсат тили даражасига кўтарилаётгани келажак учун беқиёс аҳамиятлидир ва бу нарса халқаро тараққиёт саҳнасида миллат тақдирини белгиловчи ва ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади.

Ҳаммамизга маълумки, дунёда кўпмиллатли бўлмаган бирор-бир мамлакат ёки давлат йўқ. АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Буюк Британия, Франция ёки Россия мамлакатларини олинг. Бу мамлакатлар кўп миллатли бўлиб, уларда ягона фуқаролик мавжуд. Бир давлат ҳудудида яшайдиган турли миллат ва элат вакилларини ягона фуқаролик атрофига жипслаштириб турадиган омил давлат тилидир.

Бундай мамлакатларнинг фуқаролигини олишда асосий шартлардан бири қилиб давлат тилини билиш белгиланган. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг расмий (давлат) тили тўғрисидаги Қонуни (Билл)нинг 162-моддасида "Инглиз тили Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг расмий (давлат) тилидир", деб мустаҳкамлаб қўйилган ва "Фуқаролик бурчлари", деб номланган 163-моддасида **"Америка Қўшма Штатлари ўзининг барча фуқароларини ўзларининг жисмоний ва ақлий қобилиятлари доирасида инглиз тилида ўқиш, ёзиш ва гапиришга даъват қилади" деб қайд қилинган.** Мазкур қонуннинг 169-моддаси "Америка Қўшма Штатларининг ҳеч қандай агентлиги (ташкилоти) ёхуд департаменти (вазирлиги) Штатлар ҳукуматидан, тармоқларидан, бирор бир шахсдан ёхуд ташкилотидан инглиз тилидан бошқа бирор-бир тилда қарорлар асосида "Тилнинг тафаккурга таъсири тўғрисидаги ижтимоий назария"сини кашф қилди ва унда бундай деб ёзади: "Инглиз тилини яхши билиш АҚШ давлатининг сиёсий концепциясини (ғояларини) тушуниш мумкин эканини тақозо қилади. Чунки, "АҚШ фуқароси" бўлиш бу сиёсий концепцияни тушунишни талаб этар экан, мазкур ижтимоий назария АҚШ фуқароси билан инглиз тилини билиш ўртасида тенглик борлигини билдиради". Хулоса қилиб айтганда давлат тили ва унинг мақоми тўғрисидаги ижтимоий назариянинг илдизи узоқларга бориб тақалади. Тиллар унда гапирадиган халқларнинг тафаккур ва маънавияти доирасини шакллантиради. Маълум тилларни эрта ёшликдан ўргатишга ниҳоятда танқидий қараш керак. **Чунки шахснинг дунёқарашини шакллантиришда биринчи ўрганилган тил умрбод ва ўчмас из қолдиради.** Яъни, маълум тилни эрта ўрганиш шахснинг сиёсий шаклланиши учун таъсири катта. Инглиз тилида ижтимоийлашиш болаларнинг нафақат билим доирасини алоҳида шакллантиради, балки, АҚШнинг давлат сиёсатига содиқлик ҳиссини мустаҳкамлайди.

АҚШ тажрибасидан келиб чиқсак, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сифатида ўзбек тили давлат аҳамиятига молик ҳодиса экани ойдинлашади. Миллий руҳни ва дунёқарашни, миллий қадрият ва урф-одатларни, тарих ва адабиётни ҳис қилиш учун ҳам ўзбек тилини билиш керак. Чунки бир халқ руҳини тушуниш, чуқур англаш, ундан роҳатланиш ва завқланиш қийин масала. Биз халқимизнинг ҳуқуқий билимини, ҳуқуқий онгини ва маданиятини, умуман, тафаккур савиясини ўстиришга азму қарор қилган эканмиз, олиб борилаётган дастур ва тадбирларимизни уларга кўпроқ яқин бўлган, халқимизнинг қалб тўридан ўрин олган тилда — ўзбек тилида олиб борилишини таъминлашимиз даркор. Ўшандагина ишларимиз самарали бўлади, ўшандагина халқимиз ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнининг фаол иштирокчиларига айланиш имконияти ва қуролини қўлга киритади. Шўролар сиёсати туфайли 75 йил "боғлаб қўйилган" тилимиз ҳам ўз мустақиллигига эришди.

Ўзбекистонда 130дан ортиқ миллат ва элат истиқомат қилади. Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили мақомини сақлаган ҳолда шу ҳудудда яшовчи бошқа миллатларнинг тили, маданияти, қадриятлари ҳам эъзозланади. Ўзбекистон Конституциясида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун республикамизда турли тилларда таълим олиш учун мактаблар, лицей, коллежлар, маданий марказлар очилган. Аммо барча миллатлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётларида ўзбек тилидан давлат тили сифатида ҳам фойдаланиши ижтимоий заруратдир.

Алишер Навоий ҳазратларининг "Тилга эътибор — элга эътибор" деган ҳикматлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Қайд этиш лозимки, инсоннинг ўз Ватанига бўлган чинакам муҳаббатини унинг тилига бўлган муҳаббатисиз тасаввур этиш қийин. Инсоннинг Ватанга бўлган муҳаббати тилига бўлган муҳаббатидир.

Қосим МАЪМУРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.
Абдуваҳоб ҚЎЧҚОРОВ,
Фалсафа фанлари номзоди,
ЎзМУ доценти.

Спорт

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ НАТИЖАСИ

Эрон Президенти ўринбосари, мамлакат жисмоний тарбия ташкилоти раиси Меҳр Ализоданинг айтишича, Эрон Жанубий Кореяда бўлиб ўтган XIV- Осиё ўйинларида футбол, волейбол ва каратэ бўйича энг яхши натижаларни қўлга киритди.

Унинг таъкидлашича, айниқса футбол командаси ўз ўйинлари билан барчани ҳайратлантирди. Чунки ҳеч ким ушбу мамлакат футбол жамоаси мазкур Осиё ўйинлари чемпиони бўлади деб ўйламаганди. Аммо Эрон ёшлари ўзларининг ғайрат ва маҳоратлари бўлмиш Корея ва Япония футбол жамоаларини мағлуб этиб, XIV- Осиё ўйинлари чемпионига айланишди.

Шунингдек, Эрон каратэ бўйича икки олтин ва бир кумуш медал соҳиби бўлди ҳамда волейбол бўйича иккинчи ўринни эгаллади. Эрон жамоаларининг таэквандо ва дзю-до бўйича кўрсатган натижалари ҳам чакки эмас.

Лекин, жаноб Ализоданинг эътирофича, Эрон жамоалари ушбу ўйинларда ўқ отиш, қайиқда сузиш, от спорти ва бошқалар бўйича кутилган натижаларни қўлга кирита олмади. Меҳр Ализода Эрон спорт жамоаларидаги бугунги вазиятни, уларнинг тўрт йил бурун Банкокда бўлиб ўтган XIII- Осиё ўйинларидаги аҳволидан яхшироқ деб таърифлар экан, қўйидаги рақамларни келтиради: "Пусанда бўлиб ўтган XIV- Осиё ўйинларида 126 спортчи билан қатнашган Эрон 63 медални қўлга киритди. Аммо тўрт йил олдинги XIII- Осиё ўйинларидан 199 нафар эронлик спортчи бор йўғи 34 медал билан қайтишган эди. "Эрон жисмоний тарбия ташкилоти раиси Эрон спорт жамоаларининг XIV- Осиё ўйинларида бундан олдин бўлиб ўтган XIII- Осиё ўйинларига кўра тўрт поғона қуйига тушганликлари борасида сўз юритиб, бошқа мамлакатлар спорт жамоалари кўпгина соҳаларда анча илгарилаб кетишган», деди.

Тўртликлар

Бу кўп доналарнинг имкони камдир,
Барида битта ном, бир хил қиёфа.
Олдинги қаторда турсалар ҳамки,
Орқага юролмас ҳеч бир пиёда.

* * *

Баъзилар "бедор", "ювош"дир бирам,
Ҳушомадни роса ўрнига қўйгай:
Соқоли бор, дея эҳтиром билан
Эчкини олдинга ўтказган қўйдай.

* * *

Қўлингизга биров қаради,
Энди силлиқ битар кўп ишлар.
Порахўрни қўяр яратиб,
Ҳаром луқма берган кишилар.

Раҳмат БЕКТУРДИЕВ

Хабар

УЛУҒБЕК ВА МАТЕМАТИКА ТАРИХИ

2002 йил 15-20 октябрь кунлари Самарқанд Давлат Университетида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Астрономия институти ва Археология институти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим Вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Университети ва Германиянинг ДААД ташкилоти ҳамкорликда "Улуғбек абсерваторияси: ускуналар, назарий ва амалий усуллар", "Ўзбекистонда математика тарихи" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Улуғбек расадхонаси, буюк олим ва шогирдларининг астрономия фанига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борди. Расадхонадаги ускуналар уларнинг иши, ишлаш принципи ва иссиқлик даражаси ҳақида сўз борди.

Анжуманда шунингдек, ўзбек математикаси тарихи Улуғбек даври , унгача ва кейинги йиллар математик олимлари ичида астрономия ва математикага таллуқли асарлари, бугунги кунда Ўзбекистон математика фанининг ривожи хусусида мунозаралар бўлиб ўтди.

Мақсудали Қамбаров
ЎЗМУ Журналистика факультети талабаси

ҚУТЛОВ

Қадрли Дилнозахон НИШОНОВА!

Олтин кузнинг тароватли кунларида нишонланаётган туғилгин кунингиз билан қизғин муборакбод этамиз.Энг юксак орзуларингиз рўёбга чиққай.Бу йўлда Сизга омад,порлоқ келажак,улкан саодат ва бахт тилаймиз.

Курсдошларингиз:
Гулноз, Муборак, Акбар

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси,Ўзбекистон Миллий матбуот маркази, "Ҳуррият" газетаси таҳририяти «Халқ сўзи» газетаси маъул ходими Салоҳиддин Муҳиддиновга ва «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» газеталари Бош муҳаррири Фатҳиддин Муҳиддиновга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМХОН аянинг** вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амиркул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ
Адади: 2834
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма — Г - 974

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed Tog'aev tomonidan sahifalandi.